Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 26 январь • шанба • № 15-16 (4145)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Навоий вилояти ҳашарчилари Оролбўйида

**Орол денгизининг қуриган майдонларига саксовул экиш ишларида Навоий вилояти ҳашарчилари ҳам фаол иштирок этмоқда.**

Денгизнинг қуриган тубидаги «Сургил» номли ҳудудида саксовул экиш ишларида Навоий вилоятидан жами 60 дан ортиқ киши, жумладан, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва ўрмон хўжалиги ходимлари, механизаторлар иштирок этмоқда.

– Бу хайрли ишда барча ҳудудлар вакиллари жонбозлик кўрсатмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси етакчи мутахассиси Аҳмад Саъдуллаев. – Навоий вилоятидан келган ҳашарчилар асосан экиш ишларида қатнашмоқда. 20 та техника билан кунига 2-2,5 минг гектар майдонга саксовул уруғи экиляпти. Ҳар гектарга 5-6 килограмм саксовул уруғи ташланмоқда. Ишчилар учун барча шароит яратилган. Ўрмон хўжалиги ходимлари ва механизаторлар ҳар 10 кунда алмашиб ишлайди. Ушбу экологик муаммони бартараф қилишда иштирок этаётганидан ҳамма хурсанд, ўз ишини сидқидилдан бажармоқда. Бу ерлар юртимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан совуқ. Бепоён саҳро бўлганидан изғирин кучли. Шунга қарамасдан, денгиз чекиниб кетгани билан ходимларимиз чекинишни истамайди. Тасаввур қилинг, 7-8 йилдан кейин бу жойлар тўқайзорга айланади. Мана шу нарсани кўнглимиздан ўтказиш бизга куч-ғайрат беряпти. Яқинда Бухоро, Навоий вилоятларида бўлдим. У ерларда ҳам аҳоли Оролга мадад бўлиш мақсадида саксовул уруғини йиғмоқда. Қисқаси, давлатимиз раҳбарининг бу эзгу ташаббуси ҳаммамизни ягона мақсад атрофида бирлаштириб, туганмас куч-қувват бермоқда.

Сўнгги маълумотларга кўра, бу тадбирларда жами 1 минг 100 га яқин киши қатнашмоқда. Уларнинг 200 нафари тайёр уруғни қопларга жойлаштирса, 775 киши ерни тайёрлаш ва экишда иштирок этаётир. 70 га яқин киши Орол бўйидаги участкаларга ўтин захираси яратиш учун кўмаклашмоқда. Шунингдек, 549 техника, 2 самолёт жалб этилган.

Саксовул экиш учун жами 326 минг гектардан зиёд ер майдони тайёрланган. Қарийб 103 минг 300 гектар майдонга 412 минг 300 килограмм саксовул уруғи экилган.

Шу кунгача жами 622 минг 500 килограмм саксовул уруғи тайёрланган. Уруғ тайёрлашда Қорақалпоғистон Республикаси туманлари, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари фаол қатнашмоқда.

**Есимхон ҚАНОАТОВ,**
ЎзА мухбири

Қорақалпоғистон Республикаси









ЎзА суратлари

## КУН НАФАСИ

**Нажмиддин Шарипов** Монополияга қарши курашиш қўмитасига раҳбар этиб тайинланди.

**kun.uz**

* * *

**Отабек Назиров** Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директори этиб тайинланди.

**kun.uz**

* * *

Ўзбекистон мудофаа вазири **Абдусалом Азизов** бошчилигидаги делегация Америка томонининг таклифига биноан 2019 йилнинг 26-30 январь кунлари **АҚШга ташриф буюради.**

**Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Куба Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган (қароргоҳи Боку шаҳрида) **Альфредо Ниевес Портуондо билан учрашди.**

**ТИВ Матбуот хизмати**

* * *

**«Ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ва «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

**uza.uz**

* * *

Тошкентда **«Яндекс: Тирбандликлар»** хизмати ишга тушди.

**«Яндекс» компанияси матбуот хизмати**

* * *

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилди.

**Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида анъанавий каратэ бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 29 та медални қўлга киритди.

**gazeta.uz**

* * *

Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж маркази ташкил этилди.

**gazeta.uz**

* * *

**Алишер Абдуалиев** Ташқи ишлар вазири ўринбосари этиб тайинланди.

**ТИВ матбуот хизмати**

* * *

Бухоро шаҳрида илк бор «Ўзбек-Афғон» бизнес форуми бўлиб ўтди.

**Бухоро вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати**

* * *

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги миллий мультқаҳрамонлар образини яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилди.

**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги матбуот хизмати**

* * *

Шу йилнинг 25 январидан 25 февралигача Тошкент шаҳрида **«Соғлом ҳаётга қадам ташла!»** акцияси ўтказилмоқда.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Олимлар шаҳарчаси» барпо этилади. Мазкур шаҳарчага Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари жойлаштирилиб, пойтахтдан ўнта илмий-тадқиқот институти кўчирилади.

**uza.uz**

* * *

2019 йилнинг октябрь ойида Туркияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилади.

**daryo.uz**

* * *

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати нодавлат нотижорат ташкилот сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

**«Тараққиёт стратегияси» маркази матбуот хизмати**

* * *

Жорий йилда Самарқанд шаҳридаги **«Ипак йўли»** Халқаро туризм университетида янги йўналишлар ташкил этилади.

**kun.uz**

Янги минбар

## ishonch.uz – ишончингизни оқлайди!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ishonch.uz сайти оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтди. Энди ушбу сайт орқали ҳам ўқувчилар муҳим янгиликлар ва жиддий мавзулардаги мақолалар билан танишиб бориши мумкин.

Бундан ташқари, сайтимизда янги рукн ва саҳифалар ташкил қилишни ҳам режалаштирганмиз. Жумладан, «Матбуот бонг уради!» рукнида марказий ва ҳудудий нашрларда эълон қилинган долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий мақолаларга ўрин ажратилади. Шу муносабат билан таҳририятлардан ўз нашрларида чоп этилган шу мазмундаги материаллар ҳақидаги маълумот ҳамда мақолалар матнини xatlar@ishonch-doverie.uz электрон почта манзилимизга юборишини сўраймиз. Бу борадаги ҳамкорлик матбуот нашрларини халқ орасида янада кенгроқ тарғиб этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайтимизда янги рукн –

«Матбуот бонг уради!»




БОМБА
ёхуд ҳақиқатдан узоқ воқеа

ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!
ОАВларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизимини яратиш фурсати етди

«НУҚТА» – ТИНИШ БЕЛГИСИ
ёки яна турк сериаллари ҳақида




Бизни кузатиб боринг!

Мажлис

**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг IV Мажлисида тизимда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.**

## Устувор вазифалар муҳокамаси

– «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури ижросини бажариш юзасидан тармоқ тизимидаги касаба уюшма қўмиталари ва иш берувчилар томонидан 17 миллиард 706 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, – дейди Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов. – Тармоққа қарашли корхона ва ташкилотлар томонидан 1 минг 11 та янги иш ўринлари яратилди.

2018 йилда 26 та бошланғич ташкилот, 122 та цех қўмитасида 3 минг 155 нафар ишчи-ходим аъзоликка қабул қилинган.

19 та жамоа шартномаси лойиҳаси Республика кенгашида экспертизадан ўтказилган. Касаба уюшма аъзоларининг 21 та мурожаати кўриб чиқилиб, керакли чоралар амалга оширилди.

Ўтган йил ёзги таътилда ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, 8 та оромгоҳда 12 минг 814 нафар бола дам олдирилди. Шулардан 450 нафари қорақалпоғистонлик меҳнаткашларнинг фарзандлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, мажлисда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги ишлар ҳам муҳокама этилди. Якунда жорий йилда амалга ошириладиган ишларнинг режаси тасдиқланди.

**Маҳлиё УМИРЗОҚОВА,**
«Ishonch» мухбири

Долзарб мавзу

**Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил якунида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида қайд этилган ва айни кунларда жамоатчилик муҳокамасида бўлган «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили давлат дастури»даги муҳим масалалардан бири, бу — иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва унга давлат аралашувини камайтиришдир.**

## МОНОПОЛИЯЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?

*ёки янги ўзгаришлардан иқтисодиётимизга қандай наф?*

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда мавжуд 603 та акциядорлик жамиятининг 486 тасида давлатнинг 52 триллион сўмлик улуши борлиги ва давлат бу борада яққол монопол мавқега эга экани, қолаверса, 972 та давлат корхонаси активларининг 21 фоизи Давлат рақобат қўмитаси, қолган 79 фоизи вазирлик ва давлат идоралари томонидан бошқарилаётгани тизимга бозор механизмларини жорий этиш ва уни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган эди. Шундан келиб чиқиб, эндиликда бу соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш имконини берувчи ҳуқуқий ҳужжат – «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

3 ▸

Андижон вилояти

Саломга яраша...

## «Газетада расман эълон қилинсин...»

*Андижон шаҳри ҳокими ўзи муассис бўлмаган нашрга шундай кўрсатма беришга ҳақлими?*

«Андижоннома» газетаси таҳририяти ҳамда Андижон шаҳри ҳокимлиги бинолари ёнма-ён жойлашган. Оралиғи йигирма қадам чиқади. Фаолият юзасидан икки муассаса муносабатларига тааллуқли ҳужжат ёки хат-хабарларнинг ўзаро олди-бердиси учун нари борса, беш дақиқа кифоя – почта хизматига ҳожат йўқ.

Шаҳар ҳокими Дилмурод Раҳматуллаев 2018 йилнинг 8 октябрь ҳамда 22 ноябрь саналарида иккита қарор қабул қилди. Ҳар иккисида оммавий ахборот воситалари, хусусан, вилоят ҳокимлигининг нашри – «Андижоннома» таҳририяти ижро этиши (?!) назарда тутилган бандлар бор.

Буни қарангки, айтганимиздек, йигирма қадам жойга, яъни таҳририятга мазкур қарорларнинг нусхалари шу йил 17 январь куни – бири роппа-роса 100 кун ўтиб, иккинчиси эса нақ 55 кундан сўнг етиб келди. Ахборот технологиялари замонида айрим ташкилотларда идоралараро ҳужжатларнинг «тошбақа юриш» тарзида алмашинаётгани хусусида ўткир фикрлар ўртага ташланаётган бир пайтда бу борада шаҳар ҳокимлиги ҳам «ибрат» кўрсатаётганини эътироф этмасак бўлмайди. Майли, ҳозир гап бу ҳақда эмас...

2 ▸



Семинар

# Меҳнат муҳофазаси – ҳаёт муҳофазаси



Қашқадарё вилояти

**Қарши шаҳрида «Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури» ижросини таъминлаш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.**

Унда қишлоқ хўжалиги тизимидаги корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандислари, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда тармоқ касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Анжуманни тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Илҳом Сабдаров олиб борди.

Семинарда, жумладан, қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш, меҳнатда жабрланган ходимларга меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси тартибига бағишланган маърузалар тингланди.

Зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга шахслар ва боқувчисини йўқотган фуқароларга тўланадиган зарар тўловларини тўлаш тартиби, меҳнат қонунчилиги ва муносабатларини тартибга солиш ҳақидаги чиқишлар ва берилган тавсиялар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-семинар чоғида касаба уюшма фаоллари ва деҳқон-фермер хўжаликлари аъзолари ҳамкор ташкилотлар вакилларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Етакчиларга бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича амалга ошириладиган ишлар хусусида батафсил тушунча берилиб, турли йилларда дала майдонларида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг сабаблари таҳлил қилинди.

Анжуманда фермер хўжалиги раҳбарининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича саволларига жавоб қайтарилди.

**Анвар ХЎЖАҚУЛОВ,**
Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Хоразм вилояти

* * *

**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Урганчда «Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури» ижросини таъминлашга бағишланган ўқув-семинар ўтказди.**

Ўқув семинарни тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Б.Матмуродов олиб борди. Тадбирда мутасадди ташкилотлар масъуллари, касаба уюшма вакиллари ва қишлоқ хўжалик ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугун агросаноат мажмуида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қонунчилик такомиллашмоқда. Соҳага янги технологиялар татбиқ қилинмоқда, кластер тизими жорий этилмоқда, янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Бу жараёнда қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнати муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

– Мақсадимиз, қишлоқ хўжалик корхоналарида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдан иборат, – дейди АСМ касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудири Хуршид Умаров.

Ўқув семинарда Х.Умаровнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги маърузаси мавзуга доир барча масалалар ва муаммоларни қамраб олганлиги ва чуқур таҳлилга бойлиги билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, ўқув-семинар давомида зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга шахслар ва боқувчисини йўқотган шахсларга тўланадиган зарар тўловларини тўлаш тартиби, иш берувчи (фермер хўжалиги раҳбари)нинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, меҳнат қонунчилиги ва муносабатларини тартибга солиш, меҳнатда жабрланган ходимларга меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасини белгилаш масалалари юзасидан кенг маълумот ва тушунчалар берилди.

Мавзу долзарблиги боис, иштирокчиларни қизиқтирган саволлар ҳам кўп бўлди.

Тадбир якунида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларида ютуқларга эришган касаба уюшма ташкилотлари ва ҳамкорлар Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«Ishonch» мухбири

Сирдарё вилояти

Бор бўл, оқибат!

**Ўксик дилларга малҳам, дардмандларга дармон бўлиш халқимизга хос фазилат. Сирдарё туманидаги 25 та эҳтиёжманд оиланинг турар жойи таъмирлаб берилиши, 4 нафар уй-жойга муҳтож оила вакилларининг ҳожати чиқарилиши айни шу қадриятимизга мос иш бўлди.**

# Эзгулик меваси

Сайёра Норматова уч қиз-у бир ўғилни ёлғиз тарбиялаб келмоқда. Фарзандларининг бирида туғма ногиронлик бор. Доимий парвариш зарурлигидан муқим бир жойда ишлай олмади. Кўпинча мавсумий ишлар билан шуғулланишига тўғри келди. Фарзандлари мактаб, коллежга қатнаб, улғайиб қолишганига қарамай ижарама-ижара кўчиб юришдан фориғ бўла олмади.

Яқинда Сайёра Норматова давлатимиз раҳбарининг кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга оид фармонига мувофиқ 2 хонали уй соҳибасига айланди.

– Бунақа шинам ва чиройли уйни орзу ҳам қила олмасдим. Барча қулайлик ва жиҳозларга эга экан, – дейди Сайёра Норматова. – Хонадонимиз туман марказида жойлашган. Марказий поликлиника, шифохона яқинлиги фарзандимни доимий кўрикдан ўтказишимни осонлаштирди.

Хонадон эгалари миннатдорлигининг чеки йўқ. Қафасда боқилаётган ўн чоғлиқ қуёнларни кўрсатиб, «қуёнларимиз ҳам яхши жойлашишди» деб қўйишди. Болаларнинг гап-сўзларидан билдикки, бу борада яхшигина тажриба орттирилган.

Яхшилик шундай уруғки, уни қадаганимиз ҳамон тезда униб чиқади. Ушбу барака уруғлари Сирдарё вилоятига янада кўрк бағишламоқда.

**Шоира КОМИЛОВА**
Сирдарё шаҳри



# «Газетада расман эълон қилинсин...»

Хуллас, шаҳар ҳокимининг ўтган йил 22 ноябрдаги ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламига иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисидаги қарорида шундай кўрсатма мавжуд: «Мазкур қарор «Андижоннома» газетасида расман эълон қилинсин...»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
АНДИЖОН ШАҲАР
**ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ**

**РЕШЕНИЕ ХОКИМА**
ГОРОДА АНДИЖАН
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22.11.2018 № 1173-К

От________№________

**Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида**

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда «Юқори турувчи давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар қуйи органларнинг ижроси учун мажбурийдир» (27-модда) деб белгилаб қўйилган. «Андижоннома» вилоят ҳокимлиги муассислигидаги нашр, яъни шаҳар ҳокимлигидан юқори турувчи орган ҳисобланади.

Аммо гап шундаки, вилоят миқёсидаги таҳририятга шаҳар ҳокими буйруқ беряпти! Айни вазият, қонунни қўя турайлик, ахлоқ меъёрларига ҳам тамомила зид.

«Шу биргина жумла баҳс-муҳокамага арзийдими? Шунгаям ота гўри – қозихонами?» дегувчилар топилиши мумкин. Аммо ҳоким қарорининг «...расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради» деган бандиям бор-да! Айтайлик, вилоят газетаси таҳририяти юқоридаги қонун талаби ҳамда субординация тамойилларига таяниб уни эълон қилмаса, ҳокимнинг қарори кучга кирмай қолаверадими?

Муаммо бунда ҳам эмас, бутун бошли ҳокимликдаги тўраларнинг ўзидан юқори турган орган нашрини оддий ижрочи ташкилот, деб билишида, оммавий ахборот воситаларининг мавқе-мақомини тушунмаслигида! Айрим қарорларда «вилоят газетаси ҳамда телерадиокомпанияси мазкур тадбирларни кенг ёритишни таъминласин» деган мазмундаги бандларга кўзимиз тушяпти. Ҳой барака топгур, бизда оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил, ҳатто давлат раҳбари имзолаган қарорларда ҳам маълум йўналишдаги ишларни ёритиш вазифаси «юклатилмайди», балки «тавсия этилади». Шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари мана шу тартиб-тамойилларнинг фарқига боришмасмикин?

Қаранг, бор-йўғи 35 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган Қорасув шаҳрида ҳам маҳаллий ҳокимликнинг ўз газетаси бор. Аммо ҳудудига нисбатан аҳоли зичлиги бўйича юқори ўринларда турувчи, салкам 500 минг нуфусга эга бўлган Андижон шаҳри ҳокимлиги матбуот нашрига эга эмас. Бу масала бир неча бор кўтарилган, таклифлар берилган, бироқ мутасаддилар негадир қўл силтаб келишади.

Боз устига, шаҳар ҳокимиятида «Андижоннома» ҳамда «Андижанская правда» газеталарига (майли, ҳозирги «машҳур» ибора билан айтганда, «мажбурий» демайлик) хайрихоҳлик билан обуна бўлиш масаласида айтарли гап-сўз йўқ.

Майли, вилоят газетаси қўни-қўшничилик ҳурматидан шаҳар ҳокимининг қарорини эълон қилди ҳам дейлик, уни шаҳарда нечта одам ўқийди? Ҳеч қурса, саломга яраша алик бўлсин-да! Нима дедингиз?

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
«Ishonch» мухбири

Анжуман

# Кимёсаноат: «Йўл харитаси»да нималар белгиланган?

**«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятида 2018 йил якуни ҳамда кимё тармоғи корхоналари фаолияти натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда таъкидланганидек, ўтган йилларда тармоқда ишлаб чиқариш қувватларини диверсификациялашга қаратилган ишлар самарасида республикамиз минерал ўғитлар 3 компонентининг барчасини ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига кирди. Қолаверса, иқтисодиётнинг қурилиш материаллари ва ойна ишлаб чиқариш каби йўналишлар ривожига ҳам зарур бўлган калцийнацияланган сода маҳсулотининг Марказий Осиёда ягона ишлаб чиқарувчисига айланди.

Бундан ташқари, аммиак, карбамид, аммиакли селитра, аммоний сулфати, аммофос ва нитрофос каби маҳсулотларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланган жамият таркибидаги корхоналар бугунги кунда ишлаб чиқариладиган минерал ўғитларнинг турлари ва ҳажми бўйича ҳам минтақада етакчи ўринни эгаллайди.

Президентимизнинг 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2018 – 2030 йилларда тармоқни модернизация қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унинг доирасида қарийб 7,3 миллиард АҚШ долларилик 34 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган.

Мазкур «Йўл харитаси»да 2030 йилга бориб кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4,5 баробарга, шу жумладан, минерал ўғитлар икки баробарга, яъни 1,2 миллион тоннадан 2,4 миллион тоннагача, маҳсулотлар экспортини 4 баробарга ошириш ҳамда органик кимё маҳсулотлари улушини 7 фоиздан 54 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Тадбирда жамият корхоналарида ўтган йили 4,17 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш борасида 466,9 миллион АҚШ долларилик инвестиция ўзлаштирилгани, шу билан бирга ушбу амалга оширилган ишлар натижасида 1242 та янги иш ўрни яратилгани алоҳида таъкидланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**



# ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

## КЎРИК-ТАНЛОВ БОШЛАНДИ

**Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича уч босқичли республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти бўйича қуйи босқичида саралаш бошланди. Шу чоққача кўрик-танлов комиссиясига 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар иштирок этиш истагини билдирди.**

Танловнинг тўрт номинацияси бўйича ғолиблар касаба уюшмаларининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади ва кейинги босқичга йўл олади.

## «ЕТТИ ПИР» ЗИЁРАТИДА

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тармоқ тизимидаги ҳарбий қисмлар, вилоят Мудофаа бошқармаси ҳамда вилоят Божхона бошқармасининг 50 нафар касаба уюшмаси фаоллари ва уларнинг оила аъзолари учун вилоятдаги «Етти пир» зиёратгоҳига саёҳат уюштирилди.

## «КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРБИЙЛАРГА!»

**Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда «Касаба уюшмалари ҳарбийларга!» акцияси доирасида тадбир бўлиб ўтди.**

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Ботир Усмонов ҳарбий қисм кутубхонасига китоблар жамланмасини топширди.

## МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ

**Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда 170 нафарга яқин касаба уюшма фаоллари иштирок этди.**

Тадбирда вилоят Давлат солиқ бошқармаси вакили Комил Бобомуродов Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар ва имтиёзлар, соҳадаги янгиликлар хусусида атрофлича маълумот берди.

## ЙИҒИЛИШДАН САЁҲАТГА

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан бирлашма кенгаши ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раисларининг Имом Бухорий мажмуасига зиёрати ташкил этилди.

## АСОСИЙСИ – МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят ташкилотлари тизимида «Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

## КОГОНДА – САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

Ходимлар саломатлигини яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Когон шаҳар кенгаши томонидан тизимдаги ташкилотларда «Саломатлик ойлиги» давом этмоқда.

## ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати бўлими ҳамда вилоят Бандлик бош бошқармаси ҳамкорлигида «Жиззах минтақавий пахта терминали» масъулияти чекланган жамиятида «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид ҳуқуқий билимларни ошириш ва бу борада касаба уюшма қўмиталари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларнинг вазифалари» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

**«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# МОНОПОЛИЯЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?

## ёки янги ўзгаришлардан иқтисодиётимизга қандай наф?

◂ 1

Ушбу ҳужжатда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, монополияга қарши курашиш тизимини тубдан такомиллаштириш, капитал бозорининг ишончли фаолиятини таъминлашга қаратилган институционал ва таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш мақсадида қатор вазифалар белгиланган. Эндиликда фармонга асосан, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ҳамда Давлат активларини бошқариш маркази негизида янги 3 та мустақил тузилма – **Давлат мулкини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси** ҳамда **Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги** ташкил этилади.

Мақсад, иқтисодиётда бозор муносабатлари ва механизмларини тўлиқ жорий этиш, мавжуд қорхона ва ташкилотлар орасида реал рақобатни вужудга келтириш орқали уларнинг ривожланишига шароит яратиб бериш ҳамда иқтисодиётда давлат аралашувини имкон қадар камайтиришдан иборат.

> *Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулкини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳам имзоланди.*

Шундан келиб чиққан ҳолда давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини бошқаришнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиш, уларда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, давлат улушларини босқичма-босқич қисқартириш, бозорнинг барча иштирокчиларига тенг имкониятларни яратиш кабилар белгилаб олинмоқда.

Фармонга мувофиқ, Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жамғармаси ҳам ташкил этилади. Жамғарма маблағлари соҳа ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳага малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилади.

Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулкини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳам имзоланди.

«Давлат мулкини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорда Давлат активларини бошқариш агентлигининг фаолияти, таркиби ҳамда вазифалари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, Агентлик ўз ваколатларини мустақил равишда белгилайди ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил ҳолда фаолият юритади. Вазирлик ва идораларнинг давлат активлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради. Давлат активларини самарали бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув шакл ва методларини жорий қилиш ҳамда инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, давлат акция пакетларини ишончли бошқарувга бериш билан шуғулланади.

Вазирлик ва давлат идоралари бошқарувидаги 38 та хўжалик бирлашмасининг давлат улушлари ҳамда давлат активларини бошқариш маркази эгалик қилиб келаётган 192 та хўжалик бирлашмасидаги давлат улушлари бевосита янги ташкил этилган агентлик бошқарувига ўтказилади. Айтиш жоизки, бундай амалиёт хориж мамлакатларида аллақачон ўзини оқлаган.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида ушбу ташкилотга соҳада халқаро тажрибага эга бўлган етук мутахассисларни жалб қилиш кўзда тутилган. Улар орасида айни вақтда хорижда фаолият юритаётган айрим ўзбекистонлик мутахассислар ҳам йўқ эмас. Демак, 2019 йилга белгиланган катта режалардан яна бирига амалий киришилди. Янги ташкил этилаётган 3 та мустақил ташкилот энди шу вақтгача соҳада фойдаланилмай келган имкониятларни тўлиқ ишга солиши ва билдирилган ишончни оқлаши талаб этилади.

> *Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан икки ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қўмита ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигини ташкил этиш ҳамда 2019 – 2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилади.*

Энди «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорда белгиланган вазифалар ҳақида тўхталсак. Унга мувофиқ, **Монополияга қарши курашиш қўмитаси**да 242 нафар бошқарув ходимлари, жумладан, марказий аппаратда 75 нафар ходим ишга киришади. Шу билан бирга, қўмита раҳбари соҳани янада ривожлантириш мақсадида шартнома асосида тизимга малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ҳам жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур йўналиш бўйича мамлакатимизда етарли тажриба ва замонавий ёндашувлар нисбатан камлигини ҳисобга олгани жуда ўринли бўлган дейиш мумкин. Қолаверса, ушбу идоранинг фаолиятини ташкил этишда МДҲ ҳамда 30 дан зиёд хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам чуқур таҳлил қилиб чиқилгани эътирофга лойиқ.

Дарвоқе, фаолияти тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан бунгача берилган ҳуқуқ ўрнатувчи, рухсат берувчи ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорлар ўз кучида қолади ва уларга ўзгартириш киритилмайди. Ҳужжатдаги янгиликлардан яна бири, бу – бевосита янги жорий этилаётган йиғим тури билан боғлиқ. Шундай қилиб, 2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшиб юборилиши, қўшиб олиниши билан боғлиқ ҳамда улар устав капиталидаги акцияларни сотиб олишга доир битимларга қўмита томонидан розилик берилиши учун энг кам иш ҳақининг **10 баравари миқдорида йиғим** ундирилади. Ушбу йиғимларнинг нималарга сарфланиши ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида ташкил этиладиган **Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасини** молиялаштиришнинг манбаларидан бири сифатида ана шу йиғимдан тушадиган пуллар кейинчалик қўмитанинг жорий харажатларини молиялаштириш, ходимларни моддий рағбатлантириш, мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби чора-тадбирларга сарфланади.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан икки ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қўмита ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигини ташкил этиш ҳамда 2019 – 2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилади.

**Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги** эндиликда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ягона ваколатли давлат органи, Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятларни лицензияловчи бош ташкилотга айланади. «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор билан агентлик фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини бундан буён ушбу органнинг ўзи билан мажбурий тартибда келишиш шарт қилиб қўйилмоқда. Бу – амалда унинг мустақиллигини, ўз стратегиясини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканини англатади.

Жорий йилда агентлик зиммасига Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган бўлиб, қарорда ундан нималар ўрин олиши лозимлиги бирма-бир санаб ўтилган. Соҳа мамлакатда фонд бозорини ривожлантириши, қимматли қоғозларнинг қийматини чинакамига ошириши ва хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга келиб, фонд бозорида фаол иштирок этишга бўлган қизиқишини орттиришга хизмат қилиши лозим.

Мазкур агентликнинг ташкил этилаётганини ўз навбатида ушбу бозор иштирокчилари мамнуният билан кутиб олишмоқда, дейиш мумкин. Чунки капитал бозорида томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тенглигини таъминлаш учун ўртада турган ваколатли органнинг бетараф бўлиши, у ёки бу томонга тобе бўлмаслиги ёки ён босмаслиги муҳим омил ҳисобланади. Зеро, бизнесда ишонч ва кафолат бўлган ҳоллардагина пуллар қўрқмасдан ўртага ташланади.

Президентимизнинг қарорларида янги ташкил этилаётган органларга тегишли имтиёзлар бериш ҳам кўзда тутилган. Жумладан, **Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги** ва уларнинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларнинг кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шу кунчага рақобат, хусусий корхоналар фаолияти, қимматли қоғозлар ва монополияга қарши курашиш масалалари билан шуғулланиб келган битта ташкилот ўрнига бир-биридан ҳамда бошқа вазирлик, орган ва идоралардан бутунлай мустақил бўлган учта ташкилот фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳар учала йўналишдаги вазифаларни тўла-тўкис адо этиш имкониятини беради. Яъни эндиликда «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўяди», ҳамма ўз иши билан шуғулланади. Самара ва натижадорлик ҳам шунга яраша бўлиши шубҳасиз.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.**

---

Ishonch ва Доверие

Ishonch

Элчи минбари



**Мамлакатимизнинг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саидикром НИЁЗХЎЖАЕВ** *билан мамлакатларимиз ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашдик.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНГИ, ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

**– Элчи жаноблари, мамлакатимиздаги кенг кўламли ўзгаришлар ва халқаро ташаббуслар ҳақида Қозоғистон жамоатчилиги, сиёсий ва таҳлилий доираларининг фикри қандай?**

– Жаҳон миқёсида кузатилаётган ва тобора кучайиб бораётган глобал ўзгаришлар, рақобат, қарама-қаршилик, турли манфаатлар тўқнашуви, геосиёсий зиддиятлар даврида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизни тараққий эттириш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат олиб боришга йўналтирилган ислоҳотларга Қозоғистон жамоатчилиги ҳам катта қизиқиш билдирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг ҳар томонлама чуқур ўйланган ташқи сиёсати туфайли, Қозоғистон сиёсий доиралари таъбири билан айтганда, Марказий Осиё минтақасида қисқа вақтда янги сиёсий иқлим ташкил топди ва бунинг натижасида қўшни давлатлар билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга эришилди.

Ўзбекистон Президентининг БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларда илгари сурган ўта муҳим ташаббусларини Қозоғистон томони ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 15 март куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бунга ёрқин мисол бўла олади. Натижада Марказий Осиё минтақасида кўп қиррали ҳамкорликнинг таъсирчан механизми, хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омилига айланган очиқ ва конструктив мулоқот майдони пайдо бўлди.

Яна бир мисол сифатида Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида илгари сурган «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» ҳамда «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги ташаббуслари бўйича БМТ резолюциялари бир овоздан қабул қилингани ва бу ҳужжатлар қатор давлатлар, жумладан, Қозоғистон билан бирга ишлаб чиқилганини таъкидласа бўлади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**– Сиз раҳбарлик қилаётган элчихонада кейинги икки йилда Қозоғистондаги ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик алоқаларни ривожлантириш бўйича қандай ишлар бажарилди?**

– Кейинги икки йилда қозоғистонлик шериклар билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик, ҳудудлар даражасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва бошқа масалалар бўйича аниқ ижобий натижаларга эришдик. Қозоғистонда 2018 йил Ўзбекистон йили, деб эълон қилингани икки томонлама муносабатларда янгича суръат, сифат ва мазмун касб этди.

Мамлакатларимиз ўртасида машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат саноати, туризм, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация дастурлари ҳамда лойиҳалари амалга оширилмоқда. Буларнинг замирида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев томонидан амалга оширилаётган сиёсат ҳамда юқори даражадаги очиқ ва дўстона муносабатлар мужассам.

Қисқа вақтда икки давлатнинг ўзаро савдо ҳажми юқори суръатларда ўсиб, 2017 йилда 2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан яна 30 фоиздан зиёд ошганини кузатиш мумкин. Бундай марраларни қўлга киритишда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар динамикаси фаоллашгани, Ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасида мунтазам учрашувлар ва 2018 йилда биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилгани муҳим ўрин тутади.

Бу жараёнда элчихонамиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг тегишли ташкилотлари билан биргаликда қатор тадбирлар ташкиллаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида Чимкент шаҳрида Ўзбекистон – Қозоғистон ишбилармонлари кенгашининг биринчи мажлиси ва бизнес-форуми муваффақиятли ўтказилди.

Алмати шаҳрида ўтган «Болалик» ва «Болалар модаси – 2018» кўргазмаларида элчихона ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган болалар кийим-кечаклари тақдимоти натижасида «Лорат текстиль» компанияси қозоғистонлик ҳамкорлар билан шартнома имзолади. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда «Казахстан темир жоли» миллий компанияси ва Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакиллари иштирокида ўтказилган музокаралар натижасида темир йўл транспортида маҳсулот ташишда имтиёзлар тақдим этишга келишилди.

Ўзбекистон товар-хомашё биржаси билан «Товарная биржа «ЕТС» АЖ келишувига мувофиқ, Алмати шаҳрида биржа савдолари электрон тизимига боғланган биринчи хорижий савдо майдончаси иш бошлади. Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик алоқаларни ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари бошчилигидаги ишбилармон доиралар вакилларининг Қозоғистон вилоятларига ташрифи ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмалари ташкил этилди.

Чимкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон – Қозоғистон биринчи ҳудудлараро форумида умумий қиймати 324,7 миллион АҚШ долларидан ортиқ шартномалар имзоланди. Ҳудудлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича 15 та келишувга қўл қўйилди.

Умуман, 2018 йилда элчихона мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, ҳудудлари билан бирга ўтказилган тадбирлар натижасида икки давлат кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасида қиймати 409,6 миллион долларга тенг экспорт шартномалари имзоланди.

Қозоғистонлик ҳамкорлар билан ўтган йили Қозоғистонда Ўзбекистон туризм йили ўтказилди. Унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Март ойида Остона шаҳрида Ўзбекистон – Қозоғистон биринчи сайёҳлик форуми ўтказилди. Унда икки давлатдан 200 дан зиёд туроператор қатнашди.

Алмати шаҳрида ўтган «Kazakhstan international Trade» халқаро сайёҳлик ярмаркасида мамлакатимиз вакиллари иштирок этди. Унда ярмарка иштирокчиларига юртимиздаги анъанавий сайёҳлик йўналишлари билан бир қаторда тиббиёт туризми ҳақида ҳам маълумотлар тақдим этилди. «Qazaqstan» миллий телеканали вакиллари учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари бўйлаб ташкил этилган медиа-тур қозоғистонликларга юртимизнинг сайёҳлик имкониятларини кенг намойиш қилиш имконини берди.

Сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида Алмати – Тошкент – Алмати йўналишида авиақатновларни ҳафтасига 10 мартага ва Остона –Тошкент – Остона йўналиши бўйича 6 тага чиқариш бўйича музокаралар ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ўтказилган тадбирлар натижасида Қозоғистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ўзбекистонлик шериклари билан туризмни ривожлантириш тўғрисида шартнома имзолади. Умуман, туризм соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида 2 миллион нафардан ортиқ қозоғистонлик сайёҳ Ўзбекистонга ташриф буюрди.

**– Элчихона кўрсатаётган хизматлар сифати, хорижда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари самарали ҳимоя қилиниши борасидаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида нима дея оласиз?**

– Ўзбекистон фуқароларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш элчихонамиз диққат марказида турган асосий вазифалардан биридир. Шу мақсадда Ўзбекистон ва Қозоғистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида Остона шаҳрида консуллик масалалари бўйича маслаҳат учрашуви ўтказилди.

Элчихона консуллик рўйхатида 49,5 минг нафардан ортиқ Ўзбекистон фуқароси ҳисобда туради. 2018 йилда фуқароларимиздан тушган 400 дан ортиқ ариза бўйича зарур чоралар кўрилди. Юртдошларимизга консуллик хизматлари, яъни фуқаролик масалалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, шахсни тасдиқлаш ва Ватанга қайтиш гувоҳномаларини ёзиб бериш, нотариал амалларни бажариш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан ташқари, фавқулодда вазиятларда ҳам амалий ёрдам кўрсатилди.

Фуқароларимизга ўз вақтида ва сифатли консуллик хизматлари кўрсатиш мақсадида Остона шаҳридаги консуллик бўлимидан ташқари, Алмати ва Оқтау шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг Бош консулхоналарини очиш бўйича Қозоғистон томони билан амалий ишлар олиб борилди. Ҳозирги кунда фуқароларимиз нафақат Остонада, балки Алмати ва яқин кунларда Оқтау шаҳарларида ҳам консуллик хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Ўйлаймизки, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида юртдошларимизга кўрсатилаётган консуллик хизматлари кўлами янада кенгаяди ва биз Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олдимизга қўйилган вазифаларни уддалаймиз.

**– 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили ўтказилади. Шу борада кўрилаётган тайёргарлик ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

– Албатта, 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказиш доирасида қатор йирик тадбирларга тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳозирги кунда элчихонамиз Қозоғистон томони билан мазкур йилни ҳар томонлама кўтаринки руҳда ўтказишга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили нишонланиши элчихонамиз зиммасига ҳам улкан вазифа юклайди. Биз ўтган йилдаги фаолиятимизни танқидий таҳлил этиб, 2019 йилда олдимизда турган вазифаларни қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Жумладан, амалдаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва жорий йилда савдо айланмаси ҳажмини 4 миллиард долларга, хусусан, экспорт кўрсаткичларини 2,3 миллиард долларга етказиш маррасини қўйганмиз. Тўғридан-тўғри сармояларни жалб этиш мақсадида икки томонлама қўшимча қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ҳам манзилли ишлар олиб борилади.

Ўйлаймизки, 2019 йил – Ўзбекистонда Қозоғистон йили мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янги, янада юқори босқичга кўтаради.

ЎзА мухбири
**Матназар ЭЛМУРОДОВ**
суҳбатлашди.

2019 ЙИЛ 26 ЯНВАРЬ, ШАНБА
№ 15-16 (4145)




***Давлатимиз раҳбари доимо давлат идоралари халқни рози қилиш учун хизмат қилиши зарурлигини таъкидлайди. Бугун тараққиётимиз дастуриламали бўлган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳам шудир.***

**Оғриқ тишлар...**

# ҚИСҚА ЙЎЛНИНГ УЗОҚ ҒАВҒОСИ

## ёхуд уч километрлик йўл қачон соз бўлади?

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларига қаратилаётган эътиборни халқимиз мамнуният билан қабул қилмоқда. Табиийки, фуқаролар ўз муаммолари, дард ва ташвишларини баён қилишга, уларнинг ечимларини излашга интила бошлади.

Ҳар бир туман ва шаҳарларда «Халқ қабулхонаси», давлатимиз раҳбарининг «Виртуал қабулхонаси» иш бошлагани натижасида кўплаб ўз ечимини кутиб ётган муаммолар ҳал этилмоқда.

*Мойлижар қишлоғи Чироқчи туманининг энг чекка ҳудуди бўлиб, қишлоқ туман марказидан қарийб 80 километр узоқликда жойлашган. Мойлижар ва унга яқин қишлоқлар аҳолиси бозор-ўчар учун асосан Чироқчи тумани марказига эмас, қўшни Косон туманининг Олатўн қишлоғига (тўрт километр узоқликда жойлашган) боради.*

Бироқ Чироқчи туманидаги Мойлижар қишлоғи фуқароларини қийнаётган бир долзарб масала борки, у на «Виртуал қабулхона», на «Халқ қабулхонаси»нинг аралашуви билан ҳам ўзининг тўлиқ ижобий ечимини топмаётир.

Гап шундаки, бундан бир неча йил муқаддам Чироқчи туманидаги Мойлижар ва Косон туманининг Олатўн қишлоқлари туташган жойдаги 3 километрлик йўлнинг асфальти қайта таъмирлаш мақсадида бузиб ташланган эди.

Бироқ таъмирлаш жараёни охирига етмай тўхтаб қолгани, қолаверса, йўлда қатновнинг кўплиги туфайли унинг ҳолати янада ёмонлашди ва халқнинг қийналишига, кайфияти тушишига сабаб бўлди.

Шу ўринда маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, Мойлижар қишлоғи Чироқчи туманининг энг чекка ҳудуди бўлиб, қишлоқ туман марказидан қарийб 80 километр узоқликда жойлашган. Мойлижар ва унга яқин қишлоқлар аҳолиси бозор-ўчар учун асосан Чироқчи тумани марказига эмас, қўшни Косон туманининг Олатўн қишлоғига (тўрт километр узоқликда жойлашган) боради.

Қишлоқ аҳли вилоят маркази (60 км.) ёки Косон тумани марказига (60 км.) бирор юмуш билан борадиган бўлса, айнан носоз автомобиль йўлидан ўтишга мажбур.

Шу қишлоқда яшовчи Дўстмурод бобо Ғаниевнинг билдиришича, бу орада йўлнинг носозлиги туфайли «Қарши-Талоқтепа» йўналишидаги (Мойлижар «Талоқтепа» МФЙга киради, Талоқтепа қўшни қишлоқ) автобус ҳам қатнамай қўйган...

Давлатимиз раҳбарининг халқ билан мулоқотга кенг йўл очгани эса қишлоқ фуқаролари қалбида янги умид учқунларини ёқди. «Талоқтепа» МФЙ фаоллари 2017 йилнинг 14 март санасида Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига йўл таъмирлашга ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

Бироқ ишда олдинга силжиш бўлмагач, Президентимизнинг Қашқадарё вилоятидаги «Халқ қабулхонаси»га хат ёзишди.

Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси мутахассислари ариза муаллифларига қуйидаги мазмунда жавоб қайтаришди: «4Р-95» автомобиль йўлининг 43-46 км.лари оралиғи табиий офат оқибатида бузилиб, таъмирталаб ҳолга келиб қолгани ва таъмирлаш ишлари учун жорий йилда республика йўл жамғармасидан маблағ ажратилмагани сабабли 2018 йилда таъмирлаш ишлари бажарилади».







Шундан кейин қишлоқ аҳолиси 2018 йилни кута бошлади.

Мазкур масалага Косон тумани ҳокимлиги ҳам (чунки бузуқ йўл Косон тумани ҳудудида жойлашган) ўз муносабатини билдирган ва қуйидагича жавоб қайтарган:

*Балки энди иш олдинга силжир? Аммо эл дардини енгиллатмоқ орзусида «ёза-ёзлар»дан, мурожаатлар ва «ўрганиш жараёнлари»дан ҳафсаласи пир бўлган Дўстмурод бобо эса ҳали ҳам ишнинг ижобий якун топишига ишонмаяпти.*

«Чироқчи туманидаги «Талоқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини Мойлижар қишлоғида яшовчи фуқаро Дўстмурод Ғаниевнинг Президент «Халқ қабулхонаси»га 3 км. йўлни таъмирлаб беришни сўраб қилган мурожаати туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасига кўра, «4 Р 95» автомобиль йўлининг 43-46 км.да таъмирлаш ишлари бўйича йўлнинг асоси тўлиқ таъмирланиб, 700 м. қисмига асфальт ётқизилгани, молиялаштирилган маблағ етишмагани сабабли асфальт ётқизиш ишлари тўхтаб қолгани аниқланди.

Фуқаро Дўстмурод Ғаниевга 2018 йилнинг бошидан йўл дастурий режага киритилиб, йўлнинг қолган қисмини тезлик билан бир ой ичида тўлиқ таъмирлаб берилиши тушунтирилди».

Бу хат 2017 йилнинг 18 ноябрида Қашқадарё вилояти ҳокимлигига, нусхаси эса маълумот учун Д.Ғаниевга жўнатилган.

Тонг отади, кун ботади. «Ҳаш-паш» дегунча 2018 йилнинг ҳам августи келиб қолди. Йўл таъмири олдинга силжийвермагач, маҳалла фаоллари ва Дўстмурод бобо чидаб туролмади. Тошкентга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Виртуал қабулхонаси»га сим қоқишди.

Бу мурожаатга ҳам Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасидан жавоб келди. Унинг хулоса қисмида шундай дейилган:

...«Пўлати-Шўрбозор» автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари бўйича аниқлик киритилди. Таъмирлаш ишларини жорий йилнинг сентябрь ойида бажариб бериш ва якунига етказиш тушунтирилди».

Таъкидлаш жоизки, бу жавоб ариза муаллифлари билан бирга маълумот учун Ўзбекистон автомобиль йўллари давлат қўмитасига ҳам юборилган.

– Бу ваъда ҳам бажарилмагач, 2018 йилнинг октябрь ойида «Виртуал қабулхона»га яна қайта мурожаат қилдим, – дейди Дўстмурод бобо. – Бу гал Ўзбекистон автомобиль йўллари давлат қўмитасидан жавоб келди. Унда шундай дейилган:

«...Мурожаатингизда сўралган автомобиль йўлининг таъмирлаш ишлари ажратилган лимит маблағлари доирасида жорий йил якунига қадар босқичма-босқич амалга оширилишини билдирамиз!».

(2018 йил, 26 ноябрьдаги 02/6244-А 650/2 рақамли жавоб хати).

Шу тариқа 2018 йил мурожаат қилиш ва «мутахассисларнинг ўрганиши» билан ўтди, аммо йўл таъмирланмади.

Яқинда Мойлижар қишлоғида бўлганимизда Дўстмурод бобо бир янгиликни айтиб қолди. Қайта-қайта мурожаатлардан сўнг жорий йилнинг январь ойида йўлсозлар келиб, асфальти олиб ташланган йўлни текислаб кетишибди.

Балки энди иш олдинга силжир?

Аммо эл дардини енгиллатмоқ орзусида «ёза-ёзлар»дан, мурожаатлар ва «ўрганиш жараёнлари»дан ҳафсаласи пир бўлган Дўстмурод бобо эса ҳали ҳам ишнинг ижобий якун топишига ишонмаяпти.

– «Мутасаддилар йўлни босқичма-босқич таъмирлаб берамиз», дейишди. Бундай ҳолатда бир йилда 300 метр йўл асфальт қилинса, 3 км. масофани 10 йил ичида созлаб берадими?», – дейди хуноб бўлган Дўстмурод бобо.

Хулоса чиқаришдан олдин йўл таъмири мураккаб жараён эканини яна бир бор таъкидлаб ўтишни жоиз топдик. Шунинг учун уни тезлатиш учун амалий ёндашув зарур. Ушбу муаммонинг ижобий ечим топишига ишончимиз комил. Ахир, иш бошида Автомобиль йўллари давлат қўмитаси турган бўлса, муаммо ечими билан вилоят ҳокимлиги-ю Халқ ва Виртуал қабулхоналар мутасаддилари қизиқаётган бўлса...

Халқнинг давлат идораларига бўлган ишончи сусаймаслиги учун ҳам 3 км-лик йўл таъмирланиши керак. Бу жуда муҳим!

**Акмал АБДИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

# «Ishonch» кўзгусида

Хоразм вилояти

## Аждодлар закосидан баҳраманд бўлишади



Президентимиз 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида «Ниҳол» инновацион мактаби фаолияти билан танишган ва вилоятдаги барча «Баркамол авлод» марказларида ментал арифметикасини ўргатишни йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берган эди.

Вилоятда ушбу топшириқ ижросини бажаришга киришилди.

– Ментал арифметикасини ўргатиш учун юқор кучланишли интернет зарур бўлади, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Баҳодир Тиллаев. – Шунинг учун «Баркамол авлод» марказларига «Ўзбектелеком» АКнинг Хоразм филиали билан ҳамкорликда оптик толали кабеллар тортилди. Тез кунларда 30 та гуруҳ иш бошлайди.

Мутасаддининг билдиришича, 103 та мактабда 2006 йилдан олдин олинган эски компьютерлардан фойдаланилиб келинган. 34 та мактабда эса умуман компьютер синфи мавжуд эмас. Март ойида вилоят мактабларига 130 та компьютер жамланмалари келтирилади.

Дарвоқе, тез кунларда Шовот, Янгибозор туманларида аниқ фанларга, Гурлан, Ҳазорасп туманларида ахборот коммуникация технологияларига ихтисослаштирилган синфлар ташкил қилинади. Демак, хоразмлик ёшлар аждодлари яратган компьютерлардан энди ҳақиқатдан ҳам фойдаланадиган пайт келди.

## Қадим шаҳарларни бирлаштирган пўлат излар



Ажойиб хушхабар: «Бухоро-Хива» темир йўл қатнови йўлга қўйилди. Ниҳоят, икки қадимий шаҳарни темир излар бирлаштирди.

Маълумотларга кўра, поезд 13 та вагондан иборат. Улар «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖда ишлаб чиқарилган. Поезд «Бухоро-Хива» йўналишида ойнинг тоқ саналарида, соат 12:05 да Бухоро вокзалидан ҳаракатланади ва шу куни соат 17 дан 50 дақиқа ўтганда Хива вокзалига етиб боради. «Хива-Бухоро» йўналишида эса ойнинг жуфт саналарида, соат 08:45 да Хива вокзалидан ҳаракатланиб, шу куни соат 14:48да Бухоро вокзалида бўлади.

## Авлодлар соғломлиги йўлида



Хоразм вилоятидаги «Она ва бола» скрининг марказига энг замонавий русумдаги «Voluson PS» ультратовуш сканери ўрнатилди.

– Марказимиз диагностика-ташхис ва лаборатория ускуналари билан тўлиқ таъминланди, – дейди марказ бош шифокори Гулнора Сапарбоева.– Энди туғма нуқсонли ва ирсий касалликлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш чораларини янада кучайтирамиз.

## «Хуфёна» иқтисодиётга қарши



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Хоразм вилояти бошқармасида «Солиқ соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар жараёнида департамент органларининг вазифалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

– 2018 йилда бошқарма 729 та тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиб, 750 та янги иш ўрни яратишга ҳисса қўшди, – дейди департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси Ғайрат Султонов. – 463 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 188 та жиноят фош этилди, 275 та маъмурий иш юритилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 35 та жиноят, коррупция кўринишларига қарши 94 та жиноят фош этилди. Солиқ базасини кенгайтириш, коррупция, «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашиш, бозорларда нарх-навонинг асоссиз ўсиб кетишини олдини олиш, валюта ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тадбирларимиз 2019 йилда янада кенг кўламда давом этмоқда.

## Муқаддас қўрғон тамали



Боғот ва Хива туманларида «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби» фаолият бошлади.

– Эндиликда вилоятда учта шундай мактабда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қаратилган билим ва кўникмалар берилади, – дейди «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлими раҳбари Р.Бобожонов. – Бу масканларда оила қуриш учун ариза берган ёшлар, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари бепул ўқитилади.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«Ishonch» мухбири

**Тақдирлаш**

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Адолат – қонун устуворлигида» танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

## Куч – адолатда, адолат эса...

Тадбирда сўзга чиққанлар оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, судлар фаолиятида очиқ-ошкоралик, қонунийлик ва шаффофликни таъминлаши, халқ ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтиб ўтишди. Бу йилги танловда номинациялар бўйича ҳам, ОАВни янада кенгроқ жалб қилишда ҳам қатор ижобий ўзгаришлар кузатилганини алоҳида таъкидлашди.

– Ҳар қандай жамият, аввало, фикрлар хилма-хиллиги асосида тараққий этади. Юртимизда бу борада кенг имкониятлар эшиги очилган, – деди Олий Суд раиси Козимжон Комилов. – Шу билан бирга, телевидениеда эфирга узатилаётган, газета-журнал, интернет сайтларида чоп этилаётган материаллар холис, ҳар қандай шубҳа-гумондан ҳоли, беғараз ва қонуний асосини топган бўлиши керак. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шундан бир қатор номинацияларда ғолиб деб эътироф этилганлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Абду РАҲМОНОВ**

Сурхондарё вилояти

**«Обод қишлоқ» дастури асосида**

# «Сарҳад» чирой очмоқда

**«Обод қишлоқ» дастури доирасида Музработ туманидаги «Сарҳад» массивининг «Янги диёр», «Юртим жамоли» ҳамда Ат-Термизий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида қизғин иш бормоқда.**

«Янги диёр» маҳалласи анча катта, яъни Халқобод қўрғонидан Хушмон қишлоғигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган.

– Маҳалланинг бу бошидан у бошига қадар 60 километрдан ортиқ масофа бор, – дейди «Янги диёр» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуф Шойматов. – 725 хонадон, 1098 оила, 4315 нафар аҳоли аҳил-иноқ яшайди. 14 та эҳтиёжманд оилага барчамиз ёрдам бериб келяпмиз. Ҳозирги кунда ҳудудимиздаги 365 ўринли мактаб ва 2 та мактабгача таълим муассасаси замон талаблари даражасида таъмирланмоқда. Ҳудудимиздаги 2 та икки қаватли уйда сал кам 30 йилдан буён одамлар ноқонуний яшаб келишмоқда. Энг қизиғи, бу турар жой биноси қайси ташкилот ва вазирлик ҳисобида эканлигини ҳеч ким билмайди. Жамоатчилик гуруҳи аъзоларининг кўмагида 38 та оиланинг уй-жойи ҳужжатлаштириб берилди. Бино эса Музработ тумани ҳокимияти ихтиёрига ўтказилди. Ишсиз юрган фуқароларимизнинг 25 нафарини жамоатчилик асосида ишга қабул қилдик. Яна фуқаролик паспорти бўлмаган 20 нафар фуқарога паспорт олиши учун амалий ёрдам беряпмиз.



Ҳудудимизда «Шеробод» темир йўл станцияси жойлашган. Йўлнинг ўнг томонидаги бозор, ҳар хил савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари бузиб ташланди. Уларнинг ўрнида замонавий савдо мажмуаси барпо этилади.

«Юртим жамоли» маҳалласида эса 689 хонадон, 878 оила, 4164 нафар турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар орасида ҳам 14 та кам таъминланган оила мавжуд. Шу пайтгача аҳоли пиёдалар йўлакчаси устида дўкон, молхона ва уйлар қурган. Бутун бошли кўчалар беркитиб олинган. Агар маҳаллани айлансангиз, қинғир-қийшиқ девор ва иморатларни кўриб, ҳайрон-у лол қолардингиз. Кўримсиз ҳолга келган биноларни оқлаш, томини ёпиш ишлари давом эттирилмоқда.

Дастур доирасида ноқонуний ўраб турган девор ва иморатларнинг олиб ташланганi боис, ажойиб манзара кашф этилган. Жартепа қишлоғида ҳам 2 та икки қаватли уйда таъмирлаш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Ат-Термизий номидаги маҳалладаги кўриниш булардан қолишмайди. Аҳоли ноқонуний қурилган уйлар, девор ва дўконларни бузишга кўмаклашмоқда. Улар бу ишлар эл ободлиги, юрт равнақи, болалар келажаги учун қилинаётганини англаб етиб, сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

«Сарҳад» массивидаги 12 та кўп қаватли уйнинг том қисмини ёпиш, сувоқ ва ободонлаштириш ишлари бажарилганидан барча мамнун.

– Ҳудуддаги ташкил этилган штабда масъул ташкилотлар вакиллари томонидан кўчма тиббиёт хонаси, газ таъминоти, энергетика, давлат хизматлари агентлиги, сув таъминоти, архитектура ва кадастр хизматлари ташкил этилган. Улар тун-у кун навбатчилик асосида фуқароларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишмоқда, – дейди Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходими Абдумурод Аллашев.

Мухтасар айтганда, ушбу массивда жойлашган 3 та маҳаллада ички йўллар, ичимлик сув таъминоти яхшиланмоқда. 4 та умумтаълим мактаби, 4 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та касб-ҳунар коллежи, 1 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бозор қурилишлари жадаллик билан давом этмоқда. Уларнинг барчаси «Сарҳад»нинг кўркини яшнатиб, ободлигини намоён этажак.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
«Ishonch» мухбири

Муносабат

**– Ўгай ўғлим хотинига мушт туширган. Келиннинг кўз ости кўм-кўк, қонталаш.**
**– Нега маҳаллага мурожаат этмайсиз, судга бермайсиз, – десам, – уйдаги жанжал кўчага чиқмасин, – дейди танишим...**

Дом» орқасидаги кафтдеккина ерни гул-у дарахт ўтқазиб дам оладиган боғ, гулзор қилганман. Лекин бу сўлимгина масканда кўкка термулишнинг иложи йўқ. Сабаби, шундоқ деразам рўпарасидаги осмонга тарвақайлаган ёнғоқ шохлари тепадаги қўшнилар ирғитган ички кийимлар, йиртиқ пайпоқ ва учиб юрадиган қора целлофан халтачалар билан «безатилган». Бу одамнинг таъбини тирриқ қилади...

га мойил бўларкан. Шу боис улар давлат ва жамият ишларини бошқаришга қодир эмас, дейишади айрим мутахассислар. Кенг тарқалган бу патриархал ёндашув хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини менсимасликни келтириб чиқаради. Бироқ шуни ҳам унутмаслик кераки, бугун юртимизда юқори идораларни бошқараётган аёллар атиги 4 фоиз атрофида. Хотин-қизларимизнинг 60,9 фоиз сиёсат билан қизиқиахлоқли, фазилатли бўлишни маслаҳат беришади, улар хатти-ҳаракатларни қонун нуқтаи назаридан баҳолашни ўн биринчи ўринга қўйишади. Бу шарқона менталитет, яъни барча хатти-ҳаракатлардан маънавий-ахлоқий асос қидириш демакдир. Бу қайсидир маънода яхшидир, бироқ демократик ҳуқуқий давлатда инсон фаолияти, хатти-ҳаракатлари, айниқса, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари топталганида, аввало, қонунга мурожаат этилиши керак бўлади, назаримда.

Гоҳо менда «Шарқ халқларини, айилтижо қиляпти. Гоҳо чўнтагини кўрсатади, пешонасига уриб қўяди. Ноодатий ҳолнинг боисини тилмочдан сўрадик. У сингапурлик чўнтагидан ниманидир олмоқчи бўлган, шу пайт бир қоғозча йўлакка тушиб қолган. Буни у сезмаган. Радар уни қайд этган. Сингапурда йўлакка қоғоз ёки сигарет қолдиғини ташлаганга 200 доллар жарима солинаркан. Ўша бечора билмай қолганини радарга етказаётган, ундан кечирим сўраётган экан... Мана, ҳуқуқ қандай тарзда кишилар онгига сингдирилади!

Президентимизнинг «Жамиятда

# Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият қандай юксалади?

«Дамас» маршруткага чиқсам, ҳайдовчининг қўл телефонда гаплашишига дуч келаман. Йўлда эса уяли телефонда гаплашиш ғайриқонуний, буни ҳамма билади. ДАН ходимининг эса ҳайдовчини тўхтатиш хаёлига ҳам келмайди...

Бундай ҳуқуқбузарликларни ҳар куни, ҳар қадамда учратиш мумкин. Ҳолбуки, маиший чиқиндиларни махсус жойларга ташлаш тўғрисида ҳукумат қарори бор, бу тартибга қарши борганларга жарима солинади, лекин натижа кам. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида қанча гапириляпти, аммо юқоридаги нотовон ўғилдай ўз ожизаларини ҳақоратлаётган, дўппослаётганлар қанча? Ажралишларнинг 50 фоизгача етаётгани шу сабабли эмасми? Рафиқам фуқаролар йиғинига хотин-қизлар билан ишловчи ходим бўлиб ишга жойлашди. У ҳар куни икки-уч «разбор»га боради, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларини қандай ҳал қилишини билолмай бошини ушлайди. Бундан кўз юмиб бўладими?!

Масалан, махсус ўтказилган тадқиқотлардан маълумки, аёллар табиати бир зайлда фикрлаш (73,3 фоиз) шини билдирса-да, улар ўзининг сиёсий ҳуқуқини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатмайди. Қишлоқ аёлларининг 81 фоиздан зиёди ҳуқуқ масалалари билан қизиқмайди, 90 фоизга яқини ҳуқуқий маданиятга оид бирор китобни ўқимаган, даврий нашр борлигидан бехабар.

Яна бир сўровнома натижасини келтираман. Ёш тадқиқотчи М.Атавуллаев респондентларига «Агар ўғлингиз (қизингиз)ни лавозимидан бўшатишса, унга нима маслаҳатлар берган бўлардингиз?», деган савол билан мурожаат этган. Респондентларнинг 81 фоиз – сабрли бўл, 80 фоиз – ҳаётдан нолима, 71 фоиз – айбни ўзингдан қидир, 60 фоиз – меҳр-оқибатли бўл, 59 фоиз дўстлар орттир, 58 фоиз – оилангни сев, 57 фоиз – фарзандлар тарбияла, 53 фоиз – инсофни унутма, 51 фоиз – адолатпарвар бўл, 50 фоиз – эътиқодли бўл, 48 фоиз – қонунсевар бўл, 27 фоиз – халқсевар бўл, 23 фоиз – кўп ўқи, ўрган, 13 фоиз – оқилларга қулоқ тут, дея маслаҳат берар экан.

Кўриниб турибдики, респондентлар лавозимидан ғайриқонуний бўшатилган фарзандига, аввало, маънавиятли, никса, бизни тўлиқ қонунга итоатгўй, қонунсевар қилиб бўлмайди», деган фикр уйғонади. Нималар мумкин-у нималар мумкин эмаслигини ҳаммамиз билиб турамиз-у, лекин қонун кўрсатган эмас, ўзимизга ёққан жойдан кўчани кесиб ўтамиз. Газ сув, иситгич, электр энергияси тўловларини ҳар ойнинг ўнинчи санасигача тўлашим шарт, бу тўғрида уяли телефонимга хабар ҳам келади, лекин... Сабаблар кўп. Бу сабаблар гоҳо вақтимиз, гоҳо қўлимиз етмаслигида... Кейинги пайтларда бир хулосага келдим – ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун ижтимоий-ҳуқуқий макондаги барча субъектлар, институтлар белгиланган меъёрлар, тартиблар доирасида тўлиқ, узлуксиз, соат механизмидек ишлаши даркор. Бу эса қоғозбозликни, таъмагирлик, коррупция, ошно-оғайничилик, идоракашлик, адолатсизлик каби иллатларни таг-туби билан йўқотишни тақозо этади. Шу ўринда ибратли бир мисол эсга тушади. Сингапурга борган бир танишим ҳикоя қилганди:

– Катта, серқатнов кўчада бораётгандик. Бир киши тиз чўкиб, радарга қараб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисида»ги фармонида муаммога комплекс ёндашиш назарда тутилади. Унда «аниқ таъсирчан механизм» яратилиши зарурлиги уқтирилади, шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – жамият принципига мувофиқ «Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати» деган концептуал ғояни ёшлар онгига, турмуш тарзига сингдириш бош вазифа қилиб қўйилган. Ундаги инновацион, замонавий усуллардан фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмаларни кенг жорий этиш лозим. Масалан, тақиқланган жойларда спиртли ичимликлар ичиш, чекиш, осойишталикни бузувчи шовқинлар, шов-шувларни ким тўхтади, жаримага тортади? Белгиланган жойларга ахлат ташламайдиганларни-чи? Ҳа, бундай ҳужжатлар бор, аммо уларни бажариши зарур бўлган масъуллар аниқ эмас.

Жамиятимиз ҳозир ҳуқуқий-маданий янгиланиш босқичида. Ушбу янгиланишни изчил, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, ҳар бир шахс, фуқаро онгида давом эттиришимиз лозим.

**Виктор АЛИМАСОВ,**
фалсафа фанлари доктори

Эълон

*Аукцион савдолари хабарномаси*

## «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ғиждувон автомобиль мактабининг 2019 йил 10 январдаги 2-сонли буюртма-хатига асосан қуйидаги мулклар чиқарилмоқда:

**ЛОТ.** Ғиждувон автомобиль мактаби ҳисобидаги Ғиждувон тумани, Муқимий кўчасида жойлашган, умумий майдони 9001,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 725,0 кв.метрдан иборат «Ётоқхона бино ва иншоотлари».

**Бошланғич баҳоси** – 501 000 000 (Беш юз бир миллион) сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 26 февраль куни соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2019 йил 26 февраль куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 5 ва 12 март кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртмономалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб Аукцион савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлаши;

**– жисмоний шахслардан** – паспорт нусхаси;

**– юридик шахслардан** – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти СТИР: 302118823, МФО: 00111, АТБ «Турон Банк» Бухоро вилоят филиали хисобрақами: 20208000704953182001.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). **Тел.:** +998 91 405-73-47. **E-mail: mauzatak@mail.ru.**

**«Аукцион ташкилотчиси»** – «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

**Лицензия: № RR-0117**

Шарҳ

**Ўтган йилнинг 12 декабрь санасида «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинган эди.**

# Пенсионерларнинг ишга қайтиши
## ёш кадрларга халал бермайди

«Тараққиёт стратегияси» марказида ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида матбуот анжумани ташкил этилди. 2018 йилнинг 12 декабрь ҳолатига олинган (қолган қисми, яъни 579 минг сўм ҳисобга олинмаган), шундан келиб чиқиб, ушбу сумманинг 55 фоизи, яъни пенсиянинг таянч миқдори (892 012 сўм) белгиланиб, ҳам татбиқ этилади ҳамда уларнинг пенсиялари қайта ҳисоблаб чиқилади.





кўра, юртимизда 118 минг нафардан зиёд ишловчи пенсионер бўлиб, уларнинг фақат 40 минг нафари (34 фоизи) ўз пенсиясини тўлиқ оларди. Мазкур фармонга мувофиқ, жорий йилнинг 1 январидан эътиборан барча тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсияси тўлиқ миқдорда тўланади.

Бундан ташқари, юқори иш ҳақи ҳисобидан пенсияга чиққан фуқароларга муносиб пенсия миқдорини белгилаш орқали ижтимоий адолат принципини қарор топтириш мақсадида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига қадар ошириш белгиланди.

Амалдаги тартибга асосан, юқори миқдорда иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсияни ҳисоблашда энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаригача бўлган даромадидан юқори қисми инобатга олинмас эди.

Мисол учун айтсак, ўртача ойлик иш ҳақи 2 миллион 200 минг сўм ва иш стажи 35 йил бўлган фуқарога амалдаги тартиб бўйича пенсия ҳисоблашда 1 621,8 минг сўм (энг кам иш ҳақининг 8 баравари) инобатга талаб этиладиган (25 йил) дан ортиқча ишлаган 10 йилнинг ҳар бир йили учун 1 фоиздан қўшимча ҳисобланиб, пенсиянинг умумий миқдори 1054 минг сўмни ташкил этар эди.

Янги тартиб бўйича энди ушбу фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи 1 621,8 минг сўм эмас, 2027,3 минг сўм (ЭКИҲ нинг 10 баравари)ни ташкил этади. Бунда пенсиянинг таянч миқдори 1115 минг сўмни, ортиқча ишлаган йиллар учун қўшимчани ҳисобга олган ҳолда пенсиянинг умумий миқдори 1317 минг сўмни ташкил этади ёки 263 минг сўмга ошади.

Таъкидлаш кераки, бу фармон нафақат 2019 йил 1 январдан кейин пенсияга чиқувчиларга, балки ушбу тоифага тушувчи ҳозирги кунда пенсия олиб турган пенсионерларга

Шу ўринда савол туғилади: 120 мингга яқин пенсионернинг ишга қайтарилиши ёш кадрларнинг ишсизлигига олиб келмайдими?

– Республика миқёсида малакали кадрларга талаб юқори. Тўлиқ маълумотлар ҳали жамланмагани боис, Бухоро вилояти бўйича мисол келтирмоқчиман. Ҳозирда 1686 юридик шахс ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар умумбелгиланган солиққа ўтяпти. Бизнинг жамғармага вилоятдаги 583 та ташкилот бухгалтер лавозими банд эканини маълум қилишди. Ҳисоб-китобларга кўра вилоят ташкилотларига яна 1105 та бухгалтерлик лавозимига кадр зарур, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори Ёрқин Турсунов. — Ҳозиргача бизнинг сўровимизга 135 та пенсионер «лаббай» дея жавоб берди. Демак, юқорида таъкидланганидек, 1105 та жойга малакали кадр керак. Ёш кадрлар билан ҳам ушбу бўшлиқни тўлдириб бўлмаяпти. Бундан аён бўладики, пенсионерларни қайтадан ишга жалб қилиш ёш кадрларнинг ишсиз қолишига олиб келмайди.

Фармонда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 2019 йилда 1,8 трлн. сўм миқдорида маблағ талаб этилади.

Мазкур харажатлар Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган Давлат бюджети, хусусан, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилги параметрларида кўзда тутилган бўлиб, давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига мутахассислардан тегишлича жавоб олинди.

**Давронбек ОРИПОВ,**
«Ishonch» мухбири

*Сирдарё вилояти*

Одамлар орасида

**Автобус Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳридан бироз юриб Боёвут туманига қайрилишидан аввал ундан икки киши тушиб қолдик. Бекобод шамолларининг авжини кўрганмисиз? Унинг дастидан худди кинофильмлардагидек бақириб гаплашамиз: «Бекат» маҳалласи шу ерми?» Суҳбатдошим тасдиқ ишорасини қилганча тез юриб кетди. Мен эса шамол ваҳимасидан ҳадиксираб, маҳаллага қадам қўяман. Хаёлимга Чингиз Айтматов асарларидаги Темирйўлчи образи келади. Буюк адиб, темирйўлчилар тақдири боғланган гўшани шундай таърифлаган: «Поездлар бу ерларда ғарбдан шарққа, шарқдан ғарбга тинимсиз ўтиб турар эди...». Ажабки, Боёвутнинг «Бекат» маҳалласида ҳам худди шундай манзарани кўрдим. Бир пайтлар темирйўл излари ўрнатишгач, унинг бўйида кичкина қишлоқ пайдо бўлган. Турли гўшалардан одамлар бу ерларга келиб ўрнашган.**

# Боёвут «Бекат»идан – Япониягача

**УЧ СИЙМО, УЧ МУРАББИЙ**

Бобожон ака Бердиевни кўпдан бери танийман. Сирдарё педагогика институтини битиргач, 40 йил ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. Ҳаётга кўтаринки кайфият билан ёндашади. Бундан бир неча йиллар муқаддам у киши билан кўришганимда ҳам шу ҳолатни ҳис этгандим. «Бугун ўзим нафақа ёшига етиб, кайвонига айланган бўлсам-да, ёшлигимни, талабалик давримни катта ҳаяжон билан эслайман, – дейди суҳбатдошим. – Биз ўқиган давримизда Сирдарё педагогика институти ҳозирги Сирдарё шаҳрида жойлашган эди. Ректоримиз Худойберди Дониёров кучли тилшунос эди. Анқабой Қулжонов, Акром Каттабеков, Босм Тўйчибоев, Умрзоқ Алжабоев, Қаршибой Самадов ва яна бир қанча олимларнинг маърузаларини берилиб тинглаганмиз. 40 йил Бекат қишлоғи ёшларига дарс бердим. Бугун умумтаълим мактабларидаги ўқув ишларига ёндашув янада масъулиятлироқ бўлиши лозим. Бир-икки йил аввал 60 йиллик юбилейимни нишонладим. Унвонсиз, оддий бир мураббий сифатида айтмоқчиманки, мураббийнинг фахр-ифтихори, толеи – ҳаётда ўрнини топган, баркамол инсонни тарбиялаб беришида».

Бобожон ака ўндан ошиқ фарзанд кўрган, тақдир қисматига кўра, уч фарзандидан айрилган. Аммо иродали бу инсон турмуш ўртоғи билан ажойиб оиланинг бошлиғи, бир қучоқ набиралар ардоғида. Бу одамни «Бекат»ликлар шу қадар яхши кўришининг боисини илғайман-да, унинг мураббийликка фидойилиги, оилапарвар ва юртпарварлигини ҳис этаман. Шунда беихтиёр шоирнинг

**«Ибрат юзин очиб**
**мададчун қўл чўзган дам,**
**Олам аҳли аро ўшал чин одам»,**
деган сатрлари ёдга тушади.

Мен устоз дейман, устозим устозимни ўйлайди. Чиндан-да шундай. Бекат қишлоғи 6-умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Карим Мирзаев билан Бобожон аканинг мулоҳазаларини тинглаймиз. Мақола ёзиш мақсадимизни билгач, «Ёзсанг, устозим Шоимқул Каримовни ҳам қўшинг», деб қолди. Бу таклифни рад этмасдан 82 ёшли Шойимқул бобони йўқлаймиз.

Шойимқул бобо Каримов – асли Тожикистоннинг Жўйлангар қишлоғида туғилган. Низомий номидаги Тошкент педагогика институти (ҳозирги университет)ни битиргач, Сирдарёга келиб яшаб қолади ва 40 йилга яқин бошланғич таълим-методикасидан дарс беради.

«Биз билан дарс берган Амед Асанов, Ҳабибулло Ўролов, Амед Мустафаев, Ҳусния Сайфуллаева, Антонина Авилкина, Мария Долгонова каби мураббийлар бугун орамизда йўқ, – дейди отахон. – Биз энг қийин шароитларда дарс берганмиз. У пайтлар бинолар ҳам ҳаминқадар, Сирдарё чўлларини ўзлаштиришга астойдил киришишган, аҳолининг уй-жойга эҳтиёжи катта эди.

Аммо виждон амри билан ёшларни ўқитдик. 10 фарзандим бор, аёлим Роҳатой билан уларни оқ ювиб, оқ тарадик, неваралар кўрдик. Ўша заҳматларим туфайли шогирдларим ўз ўрнини топишди. Бир инсонга бундан ортиқ яна нима керак?».

Бу – кўпни кўрган, оддий муаллимнинг самимий шукронасидир.

Учинчи суҳбатдошимиз 94 ёшли онахон Важида Нигамаева. Татар миллатига мансуб онахон 1925 йилда Пермда туғилган. Пермь педагогика билим юртини битиргач, 1949 йилдан буён тақдири Ўзбекистон билан боғланиб кетади.

«У пайтлари ўқитувчи етишмас эди, – деб хотирлайди кекса онахон. – Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш йиллари, дастлаб Форишнинг Осмонсой қишлоғида болаларга рус тилидан дарс бердим. Ўғлим Анвар ўша ерда туғилган. Кейин Ўратепада, «2-Боёвут» хўжалигида яшадик. Эримнинг хизмат йўлланмаси билан Бекат қишлоғига келиб қолдик. Ҳозир 94 ёшдаман, 4 невара, 5 чеварам бор. Мен билан ишлаган ўқитувчиларнинг кўпчилиги айни пайтда орамизда йўқ. Биз 6-умумтаълим мактабида Ҳожимурод Бурхонов билан рус тили ва адабиётидан дарс берганмиз. Борига қаноат қилдик. Икки неварам ўқитувчи. Бугун муаллимларга яратиб берилаётган шароитдан кекса таълим соҳаси ходими сифатида мамнунман. Илоҳим, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!».

**ЛОЧИНБЕКНИНГ ПАРВОЗИ**

«Бекат» маҳалласида 4 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқ ёшлари асосан 6-умумтаълим мактабида таҳсил олади. Кейинги 10 йил давомида мактаб ёшларининг чизмачилик ва рангтасвир санъатидан ўзлаштиришлари юқори бўлмоқда. Бу ерда 1569 ўқувчига 50 нафар ўқитувчи дарс беради.

«Ўқувчиларда рангтасвир санъатига қизиқиш илк рангларни англаган, ёш қалбда дунёга нигоҳ ва мушоҳада пайдо бўлган пайтдаёқ уйғонади, – дейди мактабнинг эстетик фанлар методи бирлашмаси раиси Сайёра Мирзаева. – Кузатсангиз, болажонлар ўз ҳолича расм чизиб завқ олишади. Аслида дастлабки иқтидор белгилари ўша пайтда илдиз ота бошлайди».

Бир қанча конкурсларда лауреат бўлган собиқ мактаб ўқувчиси Вилоят Бозорова ҳозирда Тошкент дизайн ва рассомчилик институти талабаси. Яна бир иқтидорли мусаввир Гулистон санъат билим юртида таҳсил олмоқда. Иқтидорли рассом Сардор Маматқулов шу мактабда таҳсил олиб, ўқишни тугаллаб, рангтасвирдан дарс бермоқда. У «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириб, «Ёш рассомлар» тўгарагини бошқармоқда. Яна бир ўқувчи Дилдора Пиримқулова ўз расмлари билан вилоят танловида нуфузли ўринни эгаллади. Мактабнинг 6-синф ўқувчиси Лочинбек Зокиров эса икки йил муқаддам Япония ҳукумати томонидан ташкил этилган «Бу яшил замин кимники?» деб номланган танловда 48 мамлакат болалари ичида ғолиб деб топилиб, мукофот билан тақдирланди. Боёвутнинг оддий қишлоғида таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчимизнинг Японияда ғолиб бўлиши, албатта, оддий ҳодиса эмас.

Қайтдик. Боёвут «Бекат»ида эса поездлар тинимсиз қатнаб турар эди. Ҳаёт бардавом экан, жонажон диёримизда мураббийларимизнинг машаққатли изланишлари самараси ўлароқ янги-янги иқтидор соҳиблари бўй чўзаверади.

**Ўлжабой ҚАРШИЕВ**

Ўзбекистон ва жаҳон



# Биз билган ва билмаган Ҳиндистон

*тарихий муштараклик ва замонавий ҳамкорлик таассуротлари*

Мен ҳиндшунос ҳам, шарқшунос ҳам эмасман. Аммо умримнинг олти ойи Ҳиндистонда ўтган. Шу сабаб бу диёр ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этишга жазм қилдим.

Аслида, қадимий бой тарих ва маданиятга эга Ҳиндистонни кеча ё бугун билганимиз йўқ. Бу ўлкада буюк аждодларимизнинг излари, сўзлари, илмий, адабий ва маданий мероси қолган.

Беруний, Бобур, бобурийлар... Ўз илм-у урфони, ўз асарлари, бунёдкорлик ишлари, гўзал иншоотлари билан ҳинд диёрини дунёга танитишган. Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари ҳам илмий, ҳам тарихий жиҳатдан шунчалар қадрли ва қимматлики, буюк бобокалонимизни ҳинд олимлари «Беруний биринчи ҳиндшунос олим бўлиши билан бирга, барча замонлардаги ҳиндшуносларнинг ҳам энг улуғидир» дея эътироф этади. Бобур ва бобурийларнинг ҳинд халқи ҳаёти ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида эса қанчадан-қанча илмий ҳамда бадиий асарлар яратилган. Уларни ўқисак, ўргансак, асло кам бўлмаймиз. Биргина «Тожмаҳал» ҳам севги ва садоқат қасри, ҳам мўъжиза сифатида дунё аҳлини ўзига маҳлиё этиб турибди.

Катта авлод вакиллари яхши билади: бир вақтлар «ҳинд киноси» деса, кўпчилик ўзини «томдан ташларди», «ҳинд чойи»ни-ку топишнинг ўзи бўлмасди. Одамлар, мен «Сангам»ни унча, «Зита ва Гита»ни бунча, «Диско раққоси»ни шунча марта кўрганман, дейишарди. «Болливуд»да йилига 1000 тадан ортиқ фильмлар суратга олинади. Кинотеатрларда эса бир йилда 3,2 миллиард дона чипта сотилади.

Бугун бир кўришга ҳам ярамайдиган «хонтахта» киноларимизни номма-ном санайдиган ёшлар «Али бобо ва қирқ қароқчи», «Севги афсонаси» каби «ўлмайдиган» фильмлар ўзбек ва ҳинд киноижодкорлари ҳамкорлигида яратилганлигини билишмаса ҳам керак...

Ҳиндистонда мингга яқин турли тил ва шевалар бор. Уларнинг кўпчилиги бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шундай ҳудудлар борки, унинг аҳолиси бошқа ҳудудда яшовчиларнинг тилини тушунмайди. Аммо, шундай бўлса-да, ҳинд халқи умум ҳинд тилини яхши билади.

Ҳинд тилида туркий сўзлар жуда кўп. Фақат талаффузи сал бошқачароқ. Масалан, савал, жаваб, базар, пияз, ишк, мухаббат, осман, арман... тарзида.

Биз дам олиш кунлари бозорга, Янги Деҳлини айланишга чиқиб турардик. Ўшанда автобусда кетаётганимизда чиройли қизларнинг тепасида туриб олиб, бошлардик: «Кеча базарда пияз қиммат экан... Шу мухаббат деганлари дарман эмас, арман бўларкан. Гўзал санам Рохитага ишким тушиб, севгимни изҳар этсам, савалимни жавабсиз қолдирди, дард, азаб бўлди...» Қизлар ҳайрон бўлиб, бизга қараб-қараб қўйишарди. Кечирасизлар, қайси тилда сўзлашяпсизлар, деб қизиқиб сўраганлари ҳам бўлган.

Тил ҳақида сўз кетар экан, «Ҳиндистон виждони» деб ном олган буюк адиб ва шоир, мутафаккир ва бастакор, ўз ҳисобидан таълим муассасалари очган улуғ инсонни эсламасликнинг иложи йўқ.

**«О, Ҳиндистон, онажон, қўшиқларим**
**сен учун**
**Юрагимиз сеники – ўзга бизда**
**нима бор?»**

Ўз асарлари билан ҳинд тили ва адабиётида ўчмас из қолдирган, Нобель мукофоти совриндори Робиндранат Тҳокур бир умр юртини, халқини улуғлаб ўтди.

**Маҳатма Ганди, Индира Ганди, Ражив Ганди...** Ҳиндистоннинг давлат ва сиёсат арбоблари бўлган бу шахсларнинг нафақат шарифлари, балки қисматлари ҳам ўхшаш. Уларнинг ҳеч бири ўз ажали билан ўлмаган. Кишида бир олам таассурот қолдирадиган Гандилар ҳаёти ва фаолиятидан «сўзловчи» музейларда суиқасд билан боғлиқ «экспонатлар» ҳам бор.



Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати етакчиларидан бири, «куч ишлатмасдан курашиш» таълимоти муаллифи, буюк мутафаккир ва арбоб, шу билан бирга оддий инсон бўлган Моҳандас Карамчанд Гандини ҳинд халқи севиб-суйиб «Маҳатма» («Буюк қалб») деб атайди.

Биз Индира Гандининг келини, Ражив Гандининг умр йўлдоши, сиёсатчи Соня Ганди билан учрашиб суҳбатлашганмиз, эсдалик учун суратга тушганмиз. Ўшанда «сари»га бурканган, қошлари орасига ҳиндча хол қўйган, асли италиялик аёлнинг ҳинд халқига, қайнанаси ва эрининг хотирасига ҳурматини кўриб, кузатиб қойил қолгандик.

Ҳиндистонда савдо, бозор маданияти ҳавас қилишга арзигулик. Дўконда бирор нарсанинг нархини сўрасак «балога қолардик». Сотувчи бир пасда ўша «товар»нинг тур-турини «пакет»дан, «қути»дан чиқариб, сочиб ташларди. Камига «кофе, чой, кола... нима ичасиз?» дея сўраб, меҳмон қиларди. Бу муомалани кўриб, албатта, нимадир харид қилардик.

Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари институтида таҳсил олиш учун Янги Деҳлига 1996 йил 13 декабрда учиб кетганмиз. Ўшанда бош фарзандим Мадина уч кунлик чақалоқ эди. Уни, яқинларимни жуда соғинардим. Ўшанда билдимки, она юрт, Ватан соғинчи ҳам умуман бошқача бўларкан. Мабодо, шаҳарда «ҳинд товари»га келган юртдошларимизни учратиб қолсак, уларни жонажон диёримиз ҳақидаги саволларга кўмиб ташлардик. Бир умр соғинч дарди билан яшаган шоҳ ва шоир Бобур ўзининг шоҳ асари «Бобурнома»да «...Яқинда менга қовун келтиришган эдилар, кесиб еганимда ғалати таъсир қилди. Роса йиғладим», деб бежиз, шунчаки ёзмаган экан.

Ватанга қайтиб келганимдан сўнг энг кўп берилган савол шу бўлган: «Ҳиндистон қолоқ давлат-а?». Мен «йўқ» дердим ва ўз фикр-муносабатимни далиллар билан исботлаб беришга ҳаракат қилардим. Ҳиндистон фақат киноси ва чойи билан машҳур эмаслигини, у ерда тиббиёт, фармацевтика, саноат, туризм, ахборот-коммуникация технологиялари ҳам жуда ривожланганини, оддий игнадан тортиб, улкан транспорт воситалари ҳам ишлаб чиқарилиши, обод ва гўзал жойлари жуда кўплигини айтардим. Эшитганлар «Шунақами, шундайми-ей?» дейишарди.

Ҳозирда юртдошларимизнинг Ҳиндистон ҳақидаги тасаввурлари тубдан ўзгарган. Нега? Негаки...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев кейинги тўрт ой ичида икки маротаба расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлди. Бу – Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқалар янада мустаҳкамланиб, турли соҳалардаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганидан дарак.

Ҳар иккала ташриф тафсилотлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Шу боисдан мен барча тафсилотларга тўхталиб ўтирмасдан бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Давлатимиз раҳбари «Жўшқин Гужарат – 2019» халқаро саммитида сўзга чиқиб, кўп таклифлар билдирди. Хусусан, шоҳ Бобур туғилган ва улуғ Акбаршоҳ аждодларининг ватани бўлмиш Андижонда Ўзбекистон – Ҳиндистон минтақалари бизнес форумини шу йили ўтказиш, 2020 йилда Ҳиндистонда «Ўзбекистон маданияти йили»ни ва ўз навбатида, Ўзбекистонда «Ҳиндистон маданияти йили»ни ўтказиш, жорий йил юртимизда Ўзбекистон – Ҳиндистон Ёшлар фестивалини ташкил этиш ҳақидаги таклифларни илгари сурди. Албатта, бу таклифлар ижобат бўлгач, ўзбек ва ҳинд халқи яна бир бор бир-бирини яқиндан билиб, янада яқинлашади.

Ҳа, айтганча, Ҳиндистонда таҳсил олган журналистлардан бири Фарҳод Арзиев ҳозир Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси. Умид қиламизки, у ҳам ҳозирда давлатимиз раҳбарининг элчиларга қўяётган талаби – Ўзбекистонга инвестиция киритишда фаоллик кўрсатади.

***Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ҳиндистон, ҳинд халқи бизга умуман бегона эмас ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолажак! Чунки бунга асослар ҳам, сабаблар ҳам, саъй-ҳаракатлар ҳам етарли.***

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ,**
«Ishonch» мухбири

Акс-садо




## «Қизил диплом» албатта керак

**«Ishonch» газетасида 2018 йил 22 февраль куни «Қизил диплом» кимга керак?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Уни ўқиб, узоқ вақт ўйланиб юрдим. Ниҳоят, дилимдаги гапларни қоғозга туширишни кўнглимга тугиб, қўлимга қалам олдим.**

Биринчидан, «қизил диплом» албатта керак. Мақолада муаллиф масалани тўғри кўтарган. Бу ўқиган-у ўқимаган баравар, деган тушунчага чек қўяди. Уни олиш осон бўлмай, бу ўқиш, изланиш, тер тўкиб меҳнат қилишни талаб этади. Талабалар ўртасида ўқишга қизиқиш ошади.

Иккинчидан, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида изчил ислоҳотлар кетаётган бир пайтда «Қизил диплом»ли мутахассисга озгина моддий кўмак берилса, масалан, ойлик маошига устама қўшилса, нур устига нур бўларди. Масалага мутасаддилар алоҳида эътибор қаратишса, бу йўлдаги камчиликлар ўз ечимини, албатта, топади. Сабаби, «қизил диплом» ортидаги имтиёзларни билган, англаган борки, унга эришиш учун билим олишга алоҳида эътибор қаратгани ортидан етук мутахассис бўлиб чиқиши ҳақиқат. Зеро, имтиёз кишини руҳлантиради, янги марралар сари ундайди. Қолаверса, бу ўсиб келаётган ёш авлод учун бу тайёр ибрат мактаби.

**Эркин ҚОДИРОВ,**
«Имтиёзли» диплом эгаси,
Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси
марказий касалхонаси шифокори,
пенсионер

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

## «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS»

### масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига Бухоро шаҳридаги «2-автокорхона» давлат унитар корхонаси (ДУК)нинг 24.01.2019 йилдаги 16-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1-ЛОТ.** 1987 йилда и/ч, ЗИЛ-431610 русумли, д/р: 80 684 ОАА бўлган юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 138 840 сўм.

**2-ЛОТ.** 1985 йилда и/ч, ЗИЛ-431610 русумли, д/р: 80 675 ОАА бўлган юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 036 073 сўм.

**3-ЛОТ.** 1986 йилда и/ч, ЗИЛ-431610 русумли, д/р: 80 848 ОАА бўлган юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 190 224 сўм.

**4-ЛОТ.** 1988 йилда и/ч, ГАЗ-5327 русумли, д/р: 80 932 ОАА бўлган юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 405 054 сўм.

**5-ЛОТ.** 1981 йилда и/ч, ГАЗ-5327 русумли, д/р: 80 827 ОАА бўлган юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 681 788 сўм.

**Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 26 февраль соат 11:30 да** бўлиб ўтади.

2019 йил 26 февраль санасида аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 5, 12 март кунлари ўтказилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома расмий иш кунлари 26.02.2019 йилдаги савдо учун 25.02.2019 йилгача, 05.03.2019 йилдаги савдо учун 04.03.2019 йилгача, 12.03.2019 йилдаги савдо учун 11.03.2019 йилгача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар:**

**– «Аукцион ташкилотчиси»** билан закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулларини тўлашлари;

**– жисмоний шахслардан** – паспорт нусхаси;

**– юридик шахслардан** – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, СТИР: 302523082, МФО: 00115, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000805028108002.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:** Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 10-уй. (4-қават). **Тел.:** (65) 221-59-24. **E-mail:** kmss.res@mail.ru.

**«Аукцион ташкилотчиси»** – «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ.

**Гувоҳнома: № 006263**

## «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ

### мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Очиқ аукцион савдоларига «Бухоропарранда» акциядорлик жамиятининг 23.01.2019 йилдаги 23-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

Бухоро шаҳри, 5-А Митти туман ҳудудида жойлашган, майдони 45,0 кв.метрдан иборат бўлган савдо дўкони.

**Бошланғич баҳоси** – 30 320 000 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 26 февраль куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

2019 йил 26 февраль санасида аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 5, 12 март кунлари ўтказилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома расмий иш кунлари 26.02.2019 йилдаги савдо учун 25.02.2019 йилгача, 05.03.2019 йилдаги савдо учун 04.03.2019 йилгача, 12.03.2019 йилдаги савдо учун 11.03.2019 йилгача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосидан 15 фоиз миқдорида закалат пулларини тўлашлари;

**– жисмоний шахслардан** – паспорт нусхаси;

**– юридик шахслардан** – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 20 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, ҳ/р: 20208000900759233001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ТШМФ, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 10-уй (4-қават). **Тел.:** (65) 221-59-24. **E-mail:** kmfi_auksion@mail.ru.

**Аукцион ташкилотчиси** – «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ.

**Лицензия: RR-0297.**

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Қўқон НГПИ» АЖнинг 24.01.2019 йил кунги 230-сонли хатига асосан Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, «Андижон» ШФЙ, Тешапалак кўчасида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. «Маъмурий ва ишлаб чиқариш» бино ва иншоотлари. 0001-литерли электроцех биноси, 0002-литерли маъмурий бино, 0003-литерли омборхона биноси, 0004-литерли-омборхона биноси, 0005-литерли омборхона биноси, 0011 литерли маъмурий бино. Умумий қурилиш майдони-1065,24 кв.м. Бошланғич баҳоси –506 023 000 сўм.

2. «Маъмурий ва ишлаб чиқариш» бино ва иншоотлари. 0012-литерли устахона биноси, 0013-литерли омборхона биноси, 0017-литерли омборхона биноси, 0019-литерли-навес, 0020-литерли бетон ҳовуз, 0021-қоровулхона биноси, 0022-литерли-навес, 0023-литерли-омборхона биноси, 0037-литерли кийиниш хонаси. Умумий қурилиш майдони- 910,37 кв.м. Бошланғич баҳоси –345 501 000 сўм.

**Аукцион савдолари 2019 йилнинг 4 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.** Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2019 йил 1 март соат 16:00.

**Талабгорлар диққатига!**

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2019 йилнинг 1 март кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 14, 28 март ва 12 апрель кунлари такроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдога буюртмалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт:** ҳ/р: 20208000300433601012, МФО: 01123, СТИР: 303179580.

**Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй. **Телефон:** (99895) 402-54-75. **E-mail:** www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

**Лицензия: RR-0225.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:**

# «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2019-03

## Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 26 январь

## Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли, кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: 0,02. га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли, 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**
**Манзил:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй
**Телефон:** (0 376) 223-44-73
**Факс:** (0 376) 223-44-78

**5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«_______вилояти, _________тумани, ____________массивидаги, _________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон тарзда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

**Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**
**Банк:** АТБ «Ҳамкор банк»нинг Термиз филиали.
**ИНН:** 202 574 427
**ҳ/р:** 2021 0000 504 272 552 001

**Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;

Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача;

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ**
**Манзил:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.
**Телефон:** (0 376) 223-44-73
**Факс:** (0 376) 223-44-78

**Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин.**

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 400 000 000 | 1 920 000 000 | 360 | 600 | 1440 |

Шартнома (лот)лар рўйхати

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар | | | Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.) | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | уй рақами | |
| ЖАМИ | | | 881 | 20 | 480 | | 401 | | |
| Сурхондарё вилояти | | | 881 | 20 | 480 | | 401 | | |
| 256 | Ангор | Зартепа | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 11:00 |
| 257 | Ангор | Зартепа | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 11:00 |
| 258 | Ангор | Зартепа | 6 | | | | 6 | 13-18. | 2019 йил 25 февраль 11:00 |
| 259 | Бойсун | Бошработ | 4 | | | | 4 | 1-4. | 2019 йил 25 февраль 11:30 |
| 260 | Бойсун | Бошработ | 6 | | | | 6 | 5-10. | 2019 йил 25 февраль 11:30 |
| 261 | Бойсун | Бошработ | 8 | | | | 8 | 11-18. | 2019 йил 25 февраль 11:30 |
| 262 | Бойсун | Бошработ | 6 | | | | 6 | 19-24. | 2019 йил 25 февраль 11:30 |
| 263 | Денов | Янги Ҳазорбоғ | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 12:00 |
| 264 | Денов | Янги Ҳазорбоғ | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 12:00 |
| 265 | Денов | Янги Ҳазорбоғ | 8 | | | | 8 | 13-20. | 2019 йил 25 февраль 12:00 |
| 266 | Денов | Янги Ҳазорбоғ | 8 | | | | 8 | 21-28. | 2019 йил 25 февраль 12:00 |
| 267 | Денов | Янги Ҳазорбоғ | 6 | | | | 6 | 29-34. | 2019 йил 25 февраль 12:00 |
| 268 | Жарқўрғон | Нефтчилар-1 | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 25 февраль 12:30 |
| 269 | Жарқўрғон | Нефтчилар | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 12:30 |
| 270 | Жарқўрғон | Нефтчилар | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 12:30 |
| 271 | Жарқўрғон | Нефтчилар | 6 | | | | 6 | 13-18. | 2019 йил 25 февраль 12:30 |
| 272 | Жарқўрғон | Нефтчилар | 8 | | | | 8 | 19-26. | 2019 йил 25 февраль 12:30 |
| 273 | Жарқўрғон | Нефтчилар | 4 | | | | 4 | 27-30. | 2019 йил 25 февраль 12:30 |
| 274 | Музработ | Шаффоф | 8 | | | | 8 | 1-8. | 2019 йил 25 февраль 14:00 |
| 275 | Музработ | Шаффоф | 6 | | | | 6 | 9-14. | 2019 йил 25 февраль 14:00 |
| 276 | Музработ | Шаффоф | 8 | | | | 8 | 15-22. | 2019 йил 25 февраль 14:00 |
| 277 | Олтинсой | Ипоқ | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 14:30 |
| 278 | Олтинсой | Ипоқ | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 14:30 |
| 279 | Олтинсой | Ипоқ | 6 | | | | 6 | 13-18. | 2019 йил 25 февраль 14:30 |
| 280 | Олтинсой | Ипоқ | 6 | | | | 6 | 19-24. | 2019 йил 25 февраль 14:30 |
| 281 | Олтинсой | Ипоқ | 6 | | | | 6 | 25-30. | 2019 йил 25 февраль 14:30 |
| 282 | Олтинсой | Ипоқ | 6 | | | | 6 | 31-36. | 2019 йил 25 февраль 14:30 |
| 283 | Сариосиё | Сангардак | 8 | | | | 8 | 1-8. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 284 | Сариосиё | Сангардак | 8 | | | | 8 | 9-16. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 285 | Сариосиё | Сангардак | 8 | | | | 8 | 17-24. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 286 | Сариосиё | Сангардак | 8 | | | | 8 | 25-32. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 287 | Сариосиё | Сангардак | 8 | | | | 8 | 33-40. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 288 | Сариосиё | Сангардак | 8 | | | | 8 | 41-48. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 289 | Сариосиё | Сангардак | 8 | | | | 8 | 49-56. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 290 | Сариосиё | Сангардак | 6 | | | | 6 | 57-62. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 291 | Сариосиё | Сангардак | 10 | | | | 10 | 63-72. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 292 | Сариосиё | Сангардак | 9 | | | | 9 | 73-81. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 293 | Сариосиё | Сангардак | 4 | | | | 4 | 82-85. | 2019 йил 25 февраль 15:00 |
| 294 | Термиз | Учқизил | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 295 | Термиз | Учқизил | 8 | | | | 8 | 7-14. | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 296 | Термиз | Учқизил | 6 | | | | 6 | 15-20. | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 297 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 298 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 299 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 300 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 301 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 5 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 302 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 6 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 303 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 7 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 304 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 8 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 305 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 9 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 306 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 10 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 307 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 11 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 308 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 12 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 309 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 13 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 310 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 14 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 311 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 15 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 312 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 16 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 313 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 17 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 314 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 18 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 315 | Термиз | Мангузар | 24 | 1 | 24 | 19 | | | 2019 йил 25 февраль 15:30 |
| 316 | Узун | Чинор | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 16:30 |
| 317 | Шеробод | Галагузар | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 16:30 |
| 318 | Шеробод | Галагузар | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 16:30 |
| 319 | Шеробод | Меҳробод | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 16:30 |
| 320 | Шеробод | Меҳробод | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 16:30 |
| 321 | Шеробод | Меҳробод | 8 | | | | 8 | 13-20. | 2019 йил 25 февраль 16:30 |
| 322 | Шўрчи | Элбаён | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 17:00 |
| 323 | Шўрчи | Элбаён | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 17:00 |
| 324 | Шўрчи | Гулистон | 6 | | | | 6 | 1-6. | 2019 йил 25 февраль 17:00 |
| 325 | Шўрчи | Гулистон | 6 | | | | 6 | 7-12. | 2019 йил 25 февраль 17:00 |
| 326 | Шўрчи | Гулистон | 6 | | | | 6 | 13-18. | 2019 йил 25 февраль 17:00 |
| 327 | Қизириқ | Янгиобод | 4 | | | | 4 | 1-4. | 2019 йил 25 февраль 17:30 |
| 328 | Қизириқ | Янгиобод | 6 | | | | 6 | 5-10. | 2019 йил 25 февраль 17:30 |
| 329 | Қизириқ | Етимқум | 2 | | | | 2 | 1-2. | 2019 йил 25 февраль 17:30 |
| 330 | Қизириқ | Етимқум | 6 | | | | 6 | 3-8. | 2019 йил 25 февраль 17:30 |
| 331 | Қизириқ | Етимқум | 6 | | | | 6 | 9-14. | 2019 йил 25 февраль 17:30 |
| 332 | Қумқўрғон | Янгиер | 8 | | | | 8 | 1-8. | 2019 йил 25 февраль 18:00 |
| 333 | Қумқўрғон | Янгиер | 8 | | | | 8 | 9-16. | 2019 йил 25 февраль 18:00 |
| 334 | Қумқўрғон | Янгиер | 8 | | | | 8 | 17-24. | 2019 йил 25 февраль 18:00 |
| 335 | Қумқўрғон | Азларсой | 10 | | | | 10 | 1-10. | 2019 йил 25 февраль 18:00 |
| 336 | Қумқўрғон | Азларсой | 6 | | | | 6 | 11-16. | 2019 йил 25 февраль 18:00 |

2019 ЙИЛ 26 ЯНВАРЬ, ШАНБА
№ 15-16 (4145)

*Миннатдорлик*

# Яхшиликлар оғушида

Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорларига кўра ўқитувчи-мураббийларга, илм-маърифат соҳаси вакилларига алоҳида эътибор кўрсатилаётганидан кўнглимиз тоғдек юксалди. Ойлик маошларимиз оширилди, қўшимча меҳнатлардан озод қилиндик, ишлаётган пенсионерларнинг пенсиялари тўлиқ тўланадиган бўлди.

Хурсанд қиладиган яна бир жиҳат шу бўлдики, бу таълим соҳаси ходимларининг таътил кунларини мазмунли ўтказиши ва саломатлигини тиклаши учун имконият яратилди. Ўтган йили хоразмлик бир гуруҳ педагогларни саёҳат ва даволаниш учун уч кунга Бухорога олиб боришган бўлса, бу йил Бухоро ва Самарқандга беш кунлик саёҳат уюштирилди. Улар сафида мен ҳам бор эдим. Сафар давомида Бухоро туманида жойлашган «Жўйзар» соғломлаштириш масканида саломатлигимизни тикладик.

Бухоро шаҳридаги тарихий обидалар, жумладан, Ситораи Моҳи Хоса, Кўҳна Арк, Лаби Ҳовуз, Минораи Калон мажмуаларини томоша қилдик. Буюк бобокалонимиз, нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи бизда катта таассурот уйғотди. Ушбу мажмуа нимаси билан бутун ислом оламини ўзига жалб қилишини яна бир бор ич-ичдан ҳис қилдик.

Самарқандга сафаримиз чоғида улуғ аждодларимиз мероси, тарихий обидалар, замонавий бунёдкорлик иншоотлари билан танишдик.

Сирасини айтганда, Хоразмга бир олам таассурот билан қайтдик. Мазмунли сафар бизга руҳий ва жисмоний куч бағишлади. Бу эса ёшларга чуқур таълим беришга қаратилган машаққатли фаолиятимизда кўмаклашади. Энг асосийси, дарсларимиз жараёнида бой тарихимиз, бетакрор меъморий обидаларимиз, буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўллари ва улар қолдирган бебаҳо маънавий мерос ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берамиз, шогирдларимиз қалбида юртга муҳаббат, миллий ғурур туйғуларини кучайтирамиз.

Бизга шундай имкониятни яратиб берган Президентимизга, қолаверса, Халқ таълими вазирлиги, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси мутасаддиларига чуқур миннатдорлик билдирамиз

**Аллаберган ОТАЖОНОВ,**
Хива туманидаги 17-умумтаълим мактаби рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

*Ибрат*

**Қиш чилласи. Чотқол тоғлари оша эсувчи шамол кучайиб, даҳшатли тусга кўчди. Дарахтлар қўпорилиб, бўштоброқ томларнинг устки қисмларини довул учириб юборди. Бўстонлиқ туманидаги Хондойлиқ қишлоғининг этак ҳудудида уч қаватли мактаб биноси томининг салкам ярмидаги тунукалар лаш-лушлари билан бирга учиб, ерга тушди.**

## Чилла синови

Бу кўргулик мактаб жамоасини, қолаверса, қишлоқ аҳлини саросимага солиб қўйди. Айниқса, иш бошлаганига унчалик кўп бўлмаган мактаб директори Лобархон Шодиева ваҳимага тушиб қолган эди. Қишнинг қоқ ўртаси, кун сайин ёғингарчиликлар кучаймоқда, синф хоналарига сув ўтиб кетса, ўқитувчи ва ўқувчилар иш-ўқишларини қандай давом эттирадилар?

Бу аҳвол қулоғимга чалиниб, мен ҳам нима қилиш керак, деган ўй-ташвишга тушганимда мактабнинг пенсиядаги собиқ раҳбари Абдусодир Расултоев ёнимга келди.

– Воқеани эшитдингизми, Асад ака, – деди у ташвишли қиёфада. – Дарров хабар олмасак бўлмас, бирор ёрдамимиз тегиб қолса ажабмас.

Абдусодирнинг машинасида зудлик билан йўлга тушдик. Томчилаб турган ёмғир сийраклашиб, ҳавонинг ёришиб келаётгани кайфиятимизни анча кўтарди. «Зора, кунлар очилиб кетса, мактаб томи тезроқ тиклана қолсайди!». Бизнинг ҳам, қишлоқ аҳлининг ҳам, айниқса, мактаб жамоасининг ҳам кўнглида шу истак намоён эди...

Борсак, мактабда томни тиклаш ишлари қизғин бошлаб юборилибди, ҳашарчилар шамол учирган қурилиш материалларини саралашар, туман халқ таълими бўлими мудири Норпўлат Қурбонов барча ишларга бош-қош эди. Туман ҳокими Ғайрат Мадаминов ва бу ишга тегишли мутасаддилар ҳам содир бўлган воқеа жойига вақтида етиб келишиб, аллақачон масалани ижобий ҳал қилиб улгуришган экан. Қишлоқ аҳли маҳалла оқсоқоллари бошчилигида бир жон-у бир тан бўлиб ёрдамга ошиққан, ҳамма астойдил меҳнат қиларди.

Ҳа, кўнгилсиз бу воқеанинг кўнгилли натижаси барчамизнинг қалбимизга қувонч бағишлади. Жонажон Ватанимизнинг порлоқ истиқболи яратилаётган ҳозирги даврда халқимизнинг бирлиги ва юксак меҳр-у оқибатидан ёрқин бир нишона бу!

Шу ўринда муҳим бир заруратни айтиб ўтишга тўғри келади. Қурувчилар фаолиятларини синовдан ўтказаётган довул нега атрофдаги уйларнинг томларига зарар етказа олмади-ю, айнан мактаб биноси томини шилиб ташлади?! Бутун мамлакатимизда буюк бунёдкорликлар кетаётган ҳозирги даврда қурувчилар ушбу воқеадан тегишли хулоса чиқариб олсалар ёмон бўлмайди. Зеро, кимки юзаки иш қилиб, ўзгаларни алдамоқчи бўлса, биринчи навбатда, ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйган бўлади. Ахир, жаҳонга юз очаётган мустақил давлатимиз барчамизники-ку!

**Асад АСИЛ,**
ёзувчи

*Изоҳ*

**Яқинда ижтимоий тармоқларда янгиликлар билан танишаётиб, бир неча суратлар эътиборимни ўзига тортди. Қўлдан келганча уларга изоҳ ёзишга ҳаракат қилдим...**

### Кимлигингни эсда чиқарма



*Мушуксан, ўзингни йўлбарсдек тутма,*
*Йўлбарслар кам қолган, буни унутма!*
*«Орзуга айб йўқдир», майли орзу қил,*
*Ноумид бўлмаю, мўъжиза кутма!*

***

### Кўп ичишнинг оқибати шу...



*Биринчи пиёлада иштаҳанг очар,*
*Иккинчисин ичсанг, чарчоғинг қочар.*
*Учинчиси хурсанд, қилади мамнун,*
*Тўртинчи пиёлада бўласан маймун...*

***

### Эшак ва бўри



*Эшак хўп қилди-ку одам ишини,*
*Егани таёғ-у нишхўрда, тикан.*
*«Зоопарк»да бўрига бермиш гўштини,*
*Лек бўри одамга ҳеч эл бўлмаган.*

*Бу нима? Хизматга туҳмат қилишми,*
*Ёки фаросатсиз махлуққа жазо?*
*«Эшак» деб камситиб, «бўри» деб мақтаб,*
*Гоҳида одамга бергаймиз баҳо.*

*Ҳар не бўлганда ҳам бани одамга*
*Яратган онг берди ва забон берди.*
*Аёнки, эшакка онг берганида,*
*Бунчалар ўзини хўрлатмас эди.*

*Алқисса, биродар, шукр қилайлик,*
*Бизни эшак қилиб яратмаганга.*
*Яна бўри каби мағрур бўлайлик,*
*У ғанимлик қилмас ўзин қавмига...*

**Акмал АБДИЕВ**



# ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

*Мушоҳада*

**Эрта тонгдан севган ишимга шошиламан. Севимли ишим ҳаётим мазмунига айланиб қолган. Ҳар гал шаҳримнинг гўзаллигига маҳлиё бўламан. Болажон халқимнинг меҳр-оқибати, сахийлиги мени қойил қолдиради.**

## Ўқувчига дастурхон очилди...

Меҳнат фанидан қизларга дарс бераман. Шу учунми, билимга чанқоқ қизларимнинг тақдири ўзлари каби гўзал бўлишини жуда-жуда истайман. Ҳар бирининг ўз орзу-нияти ва истаклари бир олам бўлади. Биз, ота-оналар бу орзуларни амалга оширишга доим тайёрмиз.



Аммо, афсуски, баъзан кўнгилни ғаш қиладиган воқеаларга ҳам дуч келамиз. Қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ўз тасдиғини батамом топгани йўқ. Ёшига нисбатан вояга етган бўлса-да, у оилага тайёр дегани эмас. Институт у ёқда турсин, на коллежда билим олади, на бирор ҳунарни эгаллаб улгуради. Содда, ғўр бу қизлар, бир кун келиб, замонавий, икки қўли ўн ҳунар келин орзу қиладиган қайнаналар талабига жавоб бера олишадими? Ҳаётнинг турли тўсиқларига бардош берадими? Энг нозик тарафи, келажакда фарзандларига қандай ўрнак бўлишади?

Ривожланиш даврида яшамоқдамиз. Қизларимизнинг ўқиши, ҳеч бўлмаганда, бирор ҳунар ўрганишига эътибор қаратсак, маънавий, кучли қилиб тарбияласак, пойдевор мустаҳкам бўлади.

Бир қариндошимнинг ҳали мактабни тугатмаган қизига дастурхон очилди. Мактабни битиргач, тўй белгиланди. Келинчак ёш, ғўр. Ўзга уйга бориб довдираб қолиши бор гап. Тўйдан кейин икки фарзанди кетма-кет муддатига етмай туғилди ва нобуд бўлди. Бу пайтда онанинг ҳолатини айтмасак ҳам бўлади. Янада ачинарлиси, қайнанасининг «Келиним қўлидан тикиш-бичиш келмайди, бирор ҳунари йўқ», деб нолиб қолиши қулоққа чалинади.

Яна бир танишим қизини тиббиёт коллежида ўқитди. Тикиш, тўқиш, пишириқ пишириш курсларига юбориб ҳунарли қилди. Турмушга чиққан келин янги тушган жойида қийинчилик кўрмади. Ундан ҳамма рози. Ён-атрофимиздан бундай оилаларнинг кўпини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Шундай экан, қизларимизни ҳунарли қилиб тарбиялашда нафақат биз, ўқитувчилар, балки ота-оналар ҳам бефарқ бўлмаслиги лозим. Ахир, улар эмасми бизнинг эртанги келажагимиз?

**Нилуфар АЛОВУДДИНОВА,**
Зарафшон шаҳридаги 13-давлат ихтисослашган умумтаълим мактаби ўқитувчиси

*Гапни гапир уққанга*

## Қовоқвойнинг кундалиги



– Қовоқвой, ёзганларингни кўрдим. Зўр чиқибди. «Зарбулмасал»нинг янгича кўринишими деймак?

– Қанақа зарбулмасал? Нима, умрингда гапирадиган қовоқни кўрмаганмисан?

***

Ёнган автобус ўрнига қўйилган автобус кондуктори бақиряпти:

– Ҳой қовоқ! «Стоп» тугмасини босма. У ишлайди. Кўрмаяпсанми?!

***

– Телефонимни зарядкага қўймаганимга уч кун бўлди. Ҳалиям ўчгани йўқ!

– Йўғе, бирор йўли бор эканми?

– Билмадим, уч кун олдин мегабайтим тугаганини айтмаса, бошқа ҳеч нима бўлгани йўқ...

***

«Инглиз тилини уч ойда ўрганинг ёки пулингизни қайтариб олинг!»

«Бир ойда рус тилини ўрганинг ёки пулингизни қайтариб олинг!»

Қовоқвой бунақа курсларнинг нечтасига борди... Бирортаси пулини қайтариб бермади-я?!

***

Мусаффо осмон остида биз қовоқлар барқ уриб ўсмоқдамиз.

Бизга бошқа ҳеч ниманинг кераги йўқ... Рости, ўғит, сув ва қуёшдан бошқа нима керак?

Ахир, қовоқмиз-ку!

***

«Галстук тақ, костюм-шим кий» дейишади. Билишмайдики, моҳият ўзгармайди. Қовоқ барибир қовоқлигича қолаверади...

***

Қовоқвой #суриш_керак ҳештегига қарши. Унинг ўз ҳештеги бор: #думалаш_керак!

***

– Қовоқвой билан қовоқой ўриндиқда инглизчада бийрон-бийрон гурунг қилиб ўтиришган экан. Ёмон ҳавасим келди...

– Тил билишигами?

– Йўқ!

– Чиройли қовоқой билан ўтирганигами?

– Йўқ!

– Унда нимага?

– Қовоқвойнинг қўлидаги IPhone X га!

***

Қовоқларнинг умумий хусусияти бор: эргофобия.

Бу ишлашдан қўрқиш касаллиги. Уларни дангасаликда айблашдан олдин буни ҳисобга олинглар.

***

Айтишларича, қовоқларни ажратиб олишнинг яна бир йўли бор. Яъни, улар ҳеч қачон диплом ишини ўзлари ёзмайди.

***

Қовоқлар ҳатто биринчи марта сотиб олаётган маҳсулотининг таркибини ҳам ўқимайди...

– Нима, сиз ҳам ўқимайсиз? Йўғе, қовоқ эмассиз. Балки шунчаки қовоқларга тақлид қилаётгандирсиз?

***

Қовоқ бўлгани ёмон, лекин бемаза қовоқ бўлгани ундан ҳам ёмон!

«Қовоқнинг оласи ичида» дегани шу-да...

***

У теша тегмаган мавзуларда ёзади, лекин мавзулар теша тегмаганлигича қолаверади...

***

– Манави ниҳол нега бошқалари каби тўғри эмас, қийшиқ ўсган?

– Чунки у қуёшга қараб ўсган, қовоқвой.

***

Деярли кун бўйи телевизор кўрдим. Қовоқ бўлиб қолмасам эди...

**(1.01.2018, «Кундалик»дан)**

Телевидениеда биз қовоқлар учун зўр кўрсатувлар бериляпти...

**(1.01.2019, ўша «Кундалик»дан)**

***

– Нима, уддалай олмайсан? Балки уддалашга ҳаракат қилиб кўрмагандирсан?

– Йўқ, қайта-қайта уриниб кўрдим. Бефойда.

– Ҳммм, унда ёш умидли қовоқлардан экансан. Сафимизга хуш келибсан!!!

***

– Ўғлингиз қаерда ишлайди?

– Ҳеч қаерда ишламайди...

– Узр, қизимизни бекорчига бера олмаймиз!

– Ўғлимнинг телеграмда 100 мингдан ортиқ аъзога эга канали бор!

– Эее, шунақа демайсизми олдинроқ. Чойдан ичинг, қуда!

***

Фақат биз қовоқларгина автобусда ёши катталарга жой бермаймиз!

***

Ҳамма нарсанинг нархи сезиларли даражада ошди. Фақат қовоқларнинг эмас. Чунки улар ўзларининг нархи (одамлар тилида айтганда ҚАДРИ) ошишини эмас, кўпроқ бошқа нарсаларнинг нархи тушишини истайди.

**Абдул МАЛИК**

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-91) 537-61-76
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** Х. Норбоев
**Навбатчи:** Д.Орипов
**Мусаҳҳиҳ:** С. Шодиева
**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов
ЎзА якуни – **23:00**
Топширилди – **00:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма **Г – 117.** **29010** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6